2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 15 (804), 2023 йил 24 январь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 январь куни пахта етиштиришни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Бугунги кунгача пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан соҳага 5 миллиард 300 миллион доллар инвестиция киритилган, уларга 3 миллиард доллар имтиёзли кредитлар ажратилган. Кластерлар томонидан 4 миллиард долларлик 265 та лойиҳа ишга туширилиб, 300 мингта янги иш ўрни яратилган. Натижада пахта ҳосилдорлиги 30 фоизга ошиб, 26 центнердан 34 центнерга етди.

Лекин жойларда кластер ва фермерларни қийнаётган муаммолар ҳам бор. Жумладан, қўшилган қиймат солиғини ўз вақтида тўламаганлиги сабабли фермер хўжаликларида пеня қарздорлиги вужудга келган.

7 мингта фермер пахта майдонларини насослар орқали суғоришга мажбур бўлаётир. Фючерс шартномалари тузишнинг охирги муддати белгиланмаган, шартномаларни рўйхатга олиш бўйича шаффоф тизим йўқ.

Йиғилишда соҳадаги шу каби муаммолар муҳокама қилиниб, зарур чоралар белгиланди.

Хусусан, пахта майдонларини насос билан суғориш учун кетган электр энергияси харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилиши қайд этилди.

Ўтган йили ички бозорда минерал ўғит нархи ўртача 50 фоизга ошиб, танқислик юзага келган эди. Шу боис, минерал ўғитларга божхона имтиёзларини яна 3 йилга узайтириш таклифи билдирилди.

Мутасаддиларга кластер ва фермерлар ўртасидаги шартномаларни тартибга солиш ҳамда ҳисоб-китобларни жойига қўйиш, пахта ва ғалла етиштиришни мувофиқлаштириб бориш бўйича кўрсатмалар берилди. Қўшилган қиймат солиғини ўз вақтида тўламаганлик учун фермер хўжаликларига ҳисобланган пенялар, истисно тариқасида, ҳисобдан чиқарилиши белгиланди.

Фючерс шартномаларини солиқ органларининг электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиш ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг "Агроплатформа" ахборот тизимига интеграция қилиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, энди Нью-Йорк биржасининг ўртача ойлик фючерс котировкалари таҳлили Қишлоқ хўжалиги вазирлиги веб-сайтида эълон қилиб борилади.

Пахтачилик йўналишидаги илмий институтларни ишга солиб, чет элларда қўлланилаётган унумдор ва кам сув талаб қилувчи навларни маҳаллийлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда, умуман, қишлоқ хўжалигидаги жорий йилги вазифаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Жумладан, 400 миллион долларлик 600 та лойиҳа ишга туширилиши, қўшимча 185 минг тонна сақлаш ва қайта ишлаш қувватлари ҳамда 33 та туманда агрохизмат марказлари ташкил этилиши айтилди.

Ипакчилик саноатида 3 триллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланиб, қарийб 110 миллион долларлик экспорт қилинмоқда. Лекин бу тармоқда салоҳият янада катта. Шу боис, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига бу йил 26 минг тонна пилла, 1,3 миллион дона қорақўл териси ва 40 минг тонна жун ишлаб чиқариш вазифаси қўйилди.

300 минг гектарда сув тежовчи технологиялар ўрнатиш, 200 минг гектар ерни лазерли текислаш режалаштирилган. 100 минг гектар экин ерларини тақсимлаб, 2 миллиондан зиёд аҳолининг бандлигини таъминлаш ҳам муҳим вазифалардан. Бу асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етарли бўлиб, бозорларда нархнаво барқарор бўлишида ҳам аҳамиятга эга.

Шунингдек, юртимизда озиқ-овқат саноатида олий ва ўрта бўғин мутахассисларига эҳтиёж катта. Шунинг учун хорижий давлатлар тажрибаси асосида бу соҳада янги институт ташкил этиш таклифи маъқулланди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилишни янада жадаллаштириш, тадбиркорлик ташаббусини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларни таъминлаш, республикамиз тадбиркорлик субъектларининг халқаро ишбилармонлик ҳамжамиятига интеграциялашувини кенгайтириш борасидаги Савдо-саноат палатаси фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. Савдо-саноат палатасига (кейинги ўринларда — Палата) **қуйидаги ваколатлар берилсин**:

Ҳукуматга ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, бизнеснинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган ёки уни чеклаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, уларни бекор қилиш тўғрисидаги **кўриб чиқилиши мажбурий бўлган** масалаларни киритиш;

Палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб Олий судга ариза бериш ҳамда иқтисодий, маъмурий, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриб чиқиш юзасидан шикоят киритиш;

тадбиркорлик муҳитини яхшилаш бўйича таклифларни **тўғридан-тўғри Бош вазирга киритиб бориш;**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идораларда, шунингдек, халқаро ташкилотларда **тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ифодалаш**;

бизнес муҳитини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида, тадбиркорлик масалалари борасида **жамоатчилик эшитувларини** ташкил қилиб бориш;

тадбиркорликни ривожлантириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган бизнес вакиллари ва бошқа шахсларни **мукофотларга тавсия қилиш**;

маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқа ҳудудий давлат органларига ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан **кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар** киритиш;

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ДУНЁ

Хусрав НОЗИРИЙ:

"ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ЎЗБЕКИСТОН РАИСЛИГИДА МИНТАҚАВИЙ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ БЎЙИЧА СЕЗИЛАРЛИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШДИ"

Ўзбекистон 2022 йилда биринчи маротаба Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига (ИҲТ) раисликни қабул қилди. 1985 йил Туркия, Эрон ва Покистон иштирокида ташкил этилган мазкур халқаро тузилмага мамлакатимиз 1992 йилда аъзо бўлган. Худди шу йили ташкилотга Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон ва Афғонистон ҳам қўшилган. ИҲТ тузилишидан кўзланган мақсад минтақа мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашишдан иборат.

"Дунё" АА мухбири ИҲТ бош котиби Хусрав Нозирий билан мазкур ташкилотнинг устувор вазифалари, Ўзбекистоннинг ИҲТ фаолиятидаги ўрни ва ҳиссаси, шунингдек, мамлакатимизнинг ушбу тузилмага биринчи раислигининг якунлари ҳақида суҳбатлашди.

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

СОҒЛОМ НАФАС ОЛИШ БАХТИ

ИНСОНИЯТГА БЕРИЛГАН БУЮК ТУҲФА АСРАБ-АВАЙЛАНАДИ

Мамлакатимизда фтизиатрия ва пульмонология хизматини такомиллаштириш, силга қарши курашиш соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларнинг муҳим йўналиши этиб белгиланган. Бугунги кунда силга қарши кураш ишларини ташкил этишда тиббий-профилактика, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари йўлга қўйилган.

Давоми 5-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

МУРОЖААТНОМА ФЕНОМЕНИ

(Учинчи мақола)

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги даврида халқимиз ҳаётининг барча соҳаларида жамиятимизнинг янги қиёфасини яратишга улкан таъсир кўрсатаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар жараёни жадал амалга ошмоқда.

Президентимиз Мурожаатномаси бу борада Тараққиёт стратегиясида белгиланган эзгу мақсад ва долзарб вазифаларнинг жорий йилда бажарилишига доир ислоҳотлар мазмун-моҳияти ва мақсад-муддаоларини аниқ-тиниқ ифодалайди.

Айни пайтда у юртимизда энг ривожланган мамлакатларга хос ижтимоий давлат ва янги маънавий маконни яратиш билан боғлиқ бугунги кундаги янгиланиш жараёнининг устувор йўналишлари ва долзарб вазифалари белгилаб берилган дастуриламалдир.

ЯНГИЛАНИШ ЗАРУРАТИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар ва янгиланишлар учун асос бўлган Янги Ўзбекистон ғояси ва уни амалга ошириш жараёнининг илк тадрижи Президентимизнинг 2016 йилги сайловолди дастури ва 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқидаёқ белгилаб берилган эди.

Кенг кўламли ўзгаришлар, жорий йилда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг Мурожаатномада акс этган устувор йўналишлари ва бу борадаги долзарб вазифаларнинг барчаси, аслида, ана шу ғоянинг амалиёти ва бу билан боғлиқ тарихий янгиланиш жараёнининг мантиқий давом этаётганидан далолат беради.

Ҳозирги даврда ушбу жараённинг маъно-мазмуни, у билан боғлиқ муаммо ва масалалар, уларнинг ечимлари ҳақида турли қараш, ёндашувлар ўртага ташланмоқда. Олимлар ва мутахассислар, ОАВ вакиллари орасида, ижтимоий тармоқларда бу борада хилма-хил фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Бу жиҳатдан, Президентимизнинг **"Янги Ўзбекистон стратегияси"** китобида алоҳида таъкидланган қуйидаги хулоса ниҳоятда муҳим методологик аҳамиятга эга: **"Дунёда ҳеч қачон бир хил тонг отган эмас". Мазкур ибора пайдо бўлганидан буён минг йиллар ўтди. Бу бутун коинот, табиат ва башарият доимий ўзгаришда, янгиланишда деганидир.**

Дарҳақиқат, инсоният ҳам ана шу азалий қонуният асосида яшайди ва ҳаёт кечиради. Ҳар қандай янгиланишнинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш хусусияти шундай".

Ушбу хулосада янгиланиш феномининг мазмун-моҳияти борасида инсониятнинг асрлар давомида тўплаган тарихий ва фалсафий тажрибаси лўнда ва аниқ ифодасини топган.

Давлатимиз раҳбари китобининг айнан шу иборадан бошланиши ҳам тасодиф эмас. Негаки, китобда таъкидланганидек, **даврлар ўтаверади, замонлар алмашади. Одам зотининг бу ёруғ оламга келган ҳар бир авлоди турли ўзгаришлар ва янгиланишлар сари интилаверади.**

Давоми 3-бетда

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

БУГУННИНГ ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИ

ИЛМИЙ КЎПРИК ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ШАХС БЎЛИШИ КЕРАК

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси орқали маъмурий-сиёсий ислоҳотлар, хусусан, давлат аппаратини қисқартириш ва номарказлаштиришни кечиктирмасдан амалга ошириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиб, одамлар розилигини таъминлаш, дунёда кечаётган қалтис вазиятда келгусида ижтимоий буҳронларнинг олдини олиш учун иқтисодиётни диверсификация қилиш ҳақида ўз сиёсий йўлини яна бир бор аниқлаштириб берди десак, янглишмаган бўламиз.

Давоми 4-бетда

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

6-бетга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари ва ҳокимлар билан ҳудуддаги ишбилармонлик муҳитининг ҳолати, тадбиркорлик соҳасида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг ижроси натижадорлиги бўйича **танқидий муҳокамалар** ўтказиб бориш.

2. Белгилаб қўйилсинки, **2023 йил 1 февралдан бошлаб:**

микро, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари **Палата аъзолигига**, аъзолик ва кириш бадалларидан озод қилинган ҳолда, **текин қабул қилинади** ҳамда қонунда назарда тутилган аъзолик билан боғлиқ Палата хизматларидан тўлақонли фойдаланиш ҳуқуқига эга, Палата томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган қўшимча пуллик хизматлар бундан мустасно;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар **аъзо сифатида рўйхатга қўйиш учун Палатага электрон тизим орқали юборилади;**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (кейинги ўринларда — Жамоат фонди) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари (кейинги ўринларда —ҳудудий жамоат фондлари) ҳисобидан **Палатанинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ**, мос равишда Палата ва унинг ҳудудий бўлинмаларига **давлат субсидиясини ажратиш тизими** жорий этилади;

Палата ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан давлат субсидиясининг сарфланиши бўйича ҳар йили тегишинча Жамоат фонди ҳамда ҳудудий жамоат фондларига **ҳисобот бериб борилади**.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилган ҳолда **бир ой муддатда** Палата ва унинг ҳудудий бўлинмалари учун тавсиявий штатлар меъёрлари ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш ва ҳудудий жамоат фондларига етказиш тавсия этилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Палата тадбиркорлик субъектларининг манфаатларидан Ўзбекистон Республикаси судларига тақдим этадиган ариза, даъволар ҳамда апелляция ва кассация шикоятлари бўйича **давлат божи тўловларидан озод этилади**;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро грант лойиҳаларини амалга оширишда Палатага **миллий ҳамкор бириктириш талаби қўлланилмайди**;

давлат органлари ва идоралар томонидан тадбиркорликка оид барча ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини амалга оширишда **Палата лойиҳа ҳамкори сифатида** жалб қилинади.

5. Палатанинг тадбиркорлик соҳасида тармоқлар билан тўғридан-тўғри ишлаш, уларнинг ўзига хос муаммоларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва ечимини топиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини яратиш мақсадида унинг ҳузурида **жамоатчилик асосида тармоқлар кесимида қўмиталар** ташкил этилсин.

Бунда, ушбу қўмиталарга келишув асосида иқтисодиёт тармоқлари бўйича фаолият юритаётган уюшмалар раислари раҳбарлик қилади ва улар бир вақтнинг ўзида Палата раисининг маслаҳатчиси ҳисобланади.

6. Палата, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тадбиркорлар билан жойларда тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида Палатанинг ҳудудий бошқармалари ҳузурида жамоатчилик асосида асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланган, камида **20 нафар илғор тадбиркорлардан иборат Тадбиркорлик кенгашларини ташкил этиш** тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин:

доимий равишда тадбиркорлар билан учрашувлар ташкил қилиб бориш;

тадбиркорлар ўртасида бизнесга оид қонунчилик ҳужжатлари моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш ишларини амалга ошириш;

тармоқ корхоналари орасида кооперацияни йўлга қўйиш;

жойлардаги ишбилармонлик муҳитининг ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда таклифларни Палатага тақдим этиб бориш.

7. Республика ҳудудларида ташкил этиладиган **"Тадбиркорлар хиёбонлари"**нинг (кейинги ўринларда — хиёбонлар) рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда:

а) хиёбонлар тадбиркорлик субъектлари томонидан Савдо-саноат палатасига тўланган аъзолик бадаллари, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари ҳамда маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан барпо этилади;

б) ташкил этилаётган хиёбонларда:

тадбиркорлар, банк вакиллари, инвесторларнинг бизнес лойиҳаларини муҳокама қилиш ҳамда "**B2B"** тадбирлари ва "**коворкинг"** фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратилади, **Wi-Fi зоналар** ташкил қилинади;

фаол тадбиркорларнинг эришган натижаларини намойиш этиш мақсадида йил давомида кўргазмалар ўтказиб борилади;

хиёбонлардаги бино-иншоотлар Палатанинг ҳудудий бошқармалари балансига ўтказиб берилади.

Палата Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда 2 ой муддатда ҳудудларда бўш турган, самарасиз ишлатилаётган давлат кўчмас мулк объектлари негизида республика ҳудудларида хиёбонлар ташкил қилиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Белгиланисинки, Палатанинг ташкилий тузилмаси, унинг ижроия қўмитаси, ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар)лар бўлимлари тузилмалари Палата раиси томонидан унинг Раёсати билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Палата (Ваҳобов) **бир ой** муддатда:

Палата раиси ўринбосарлари ўртасида аниқ вазифалар ва функцияларни тақсимлаб, Палата ижроия қўмитаси ва ҳудудий бўлинмаларининг тузилмалари ҳамда штат бирликларини тасдиқласин;

Палата ижроия қўмитаси ва ҳудудий бўлинмаларининг малакали, чуқур назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга бўлган, ўз вазифаларини самарали ва масъулият билан бажарадиган кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

9. Марказий банк, Адлия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси ва Статистика агентлиги республикадаги ишбилармонлик муҳити, бизнес юритиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг яшовчанлиги ҳолатини таҳлил қилиш мақсадида **уч ой муддатда** ўз электрон ахборот тизимлари Палатанинг электрон ахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминласин.

10. Палата икки ой муддатда:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Марказий банк билан биргаликда республика ҳудудларида стартаплар, бизнес-инкубаторлар ва бошқа кичик тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун нобанк кредит ташкилотларини ташкил қилиш;

илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда дуал таълим тизимини такомиллаштириш, "Устоз-шогирд" анъаналарининг замонавий механизмларини тажриба тариқасида 3 та олий ўқув юртининг 3- ва 4-босқичига ҳамда 2 та касб-ҳунар коллежига жорий қилиш;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда "Давлат божи тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 23 январь

ЎЗБЕКИСТОН ВА ДУНЁ

Бошланиши 1-бетда

Хусрав НОЗИРИЙ:

"ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ЎЗБЕКИСТОН РАИСЛИГИДА МИНТАҚАВИЙ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ БЎЙИЧА СЕЗИЛАРЛИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШДИ"

— Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотидаги раислиги ниҳоясига етмоқда. Сиз унинг якунларини қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистон ИҲТга аъзо бўлган жуда муҳим давлатдир. Ташкилот Ўзбекистоннинг 2022 йилдаги раислиги даврида ИҲТни янада ривожлантириш ва минтақадаги ўзаро тараққиёт ва фаровонлик йўлидаги асосий ролини ва мукаммал раҳбарлигини юқори баҳолайди.

Ўзбекистоннинг ИҲТдаги ўсувчанлик роли, айниқса, биргаликда минтақавий ривожланиш жараёнини илгари суриш учун мамлакатнинг раислиги даврида жуда муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти фаолиятидаги роли ортиб бораётганини, бу тузилманинг ўсиши ва ривожланишига жуда катта ҳисса қўшаётганини қайд этишдан мамнунмиз.

Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари ўз вақтида 2022 йилни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти минтақасида "Ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилди. Шу нуқтаи назардан, ИҲТ Ўзбекистон раислигида минтақавий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича сезиларли натижаларга эришди. Уларнинг айримларини қуйидаги тартибда санаб ўтиш мумкин:

— 2022 йил февраль ойида ИҲТнинг транспорт бўйича 11-вазирлар учрашуви ташкил этилиши;

— Исломобод — Теҳрон — Истанбул (ИТИ) йўлагини тўла ишга туширириш ва тартибга солиш;

— Исломобод — Теҳрон — Истанбул поезд хизматини тартибга солиш;

— Географик ахборот тизими (ГИТ) лойиҳасини жорий қилиш;

— Халқаро автомобиль ташуви кафолат бирлашмаси маслаҳат гуруҳи (ECO-TIRACG) яратилиши;

— Қозоғистон — Туркманистон — Эрон йўлаги учун йўлакни бошқариш механизми яратилиши;

— ИҲТ Денгиз мувофиқлаштирув марказлари тармоғининг яратилиши;

— Фуқаро авиацияси бўйича юқори даражадаги ишчи гуруҳнинг ташкил этилиши;

— ИҲТ минтақасининг шарқий қисмида авиатармоқни ташкил этиш бўйича концептуал йўриқнома тайёрланиши;

— Транскаспий йўлаги ва Истанбул — Олмаота йўлаги бўйича БМТ Европа иқтисодий комиссияси билан мувофиқлаштириш қўмитаси тузилиши;

— Икки муҳим, яъни Қирғизистон — Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон ва Тожикистон — Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Туркия йўлагини яратиш.

Ўзбекистон раислигида ташкилот, айниқса, энергетика, савдо, қишлоқ хўжалиги ва сайёҳлик соҳаларида минтақавий интеграцияни янада мустаҳкамлаш учун муҳим қадамларни ташлади. 2022 йил давомида Ўзбекистонда қатор йўналишларда бир неча вазирлар учрашуви ҳамда бошқа юқори даражадаги учрашувлар ташкил этилди ва ўтказилди.

Масалан, энергетика жабҳасида биз Тоза энергия марказини ҳамда ИҲТ минтақавий электр энергияси бозорини яратишда сезиларли натижаларга эришдик. Жорий йилда Ўзбекистон энергетика бўйича ИҲТ 5-вазирлар учрашувини ўтказишни режалаштирмоқда ва биз ушбу муҳим жабҳада янада катта ривожланишга эришишга умид қилмоқдамиз.

Ўзбекистон раислиги туризм соҳасида ҳам жуда фаол кечди. 2022 йил Ўзбекистон томонидан ИҲТнинг туризм бўйича 4-вазирлар учрашуви ташкил этилди. Бундан ташқари, ўтган йилда Озарбайжон, Эрон, Покистон, Тожикистон, Туркия, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг 240 дан ортиқ туроператори ва сайёҳлик агентлигини бирлаштирадиган ИҲТ туроператорлари тармоғи тузилди.

Биз минтақа улкан сайёҳлик салоҳиятига эга эканини яхши биламиз. Айниқса, Ўзбекистон ўзининг буюк тарихий ва табиий диққатга сазовор масканлари билан ажралиб туради. Шу боис, биз Ўзбекистонни 2024 йилда Шаҳрисабз шаҳрининг ИҲТ туризм пойтахти этиб сайлангани билан қутлаймиз ва Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеясининг 25-сессияси жорий йил Самарқанд шаҳрида ўтказилишидан жуда мамнунмиз. Булар бутун дунё эътиборини Ўзбекистонга жалб қилади ва мамлакатнинг сайёҳлик салоҳиятини олға етаклайди.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Президент Шавкат Мирзиёевга атроф-муҳитини муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик бўйича ИҲТ доирасида юқори даражадаги мулоқотни йўлга қўйиш юзасидан Ўзбекистоннинг яна бир янги ва муҳим ташаббуси учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз. Атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришининг оқибатлари ташкилотнинг тармоқлараро устувор йўналиши сифатида бергиландики, бу турли масалалар ва турли даражадаги барча экологик тадбирларда жиддий равишда ҳисобга олинмоғи лозим.

Биз Ўзбекистоннинг ташкилотнинг экологик доирадаги фаолиятида, масалан, ишчи гуруҳларда, шунингдек, биохилма-хиллик, ер деградацияси ва иқлим ўзгариши бўйича янги лойиҳаларни илгари суришдаги фаол ўрнини юқори баҳолаймиз.

> **ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ФОРУМЛАРДА ҲАМ ЎЗ ЕТАКЧИЛИК ФАЗИЛАТИНИ НАМОЁН ЭТДИ. ШУ МАЪНОДА, ТАШКИЛОТИМИЗ КУН ТАРТИБИГА ЯНГИ ВА ФОЙДАЛИ ТАШАББУСЛАРНИ КИРИТГАНИ ТУФАЙЛИ ИҲТ ЎЗБЕКИСТОН РАИСЛИГИДАН КАТТА НАФ КЎРДИ.**

— Ўзбекистон сўнгги йилларда ИҲТ фаолиятида изчил иштирок этмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ташкилот доирасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантиришга қаратилган қатор таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Улар котибият ишига ва умуман, ИҲТ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кенгайишига қандай таъсир қилди?

— Ўзбекистон сўнгги йилларда ИҲТда фаол иштирок этмоқда — бу ҳақиқат. Лекин таъкидлашни истардимки, Ўзбекистоннинг ИҲТдаги фаол позицияси мамлакатнинг сўнгги йиллардаги ажойиб ривожланиш ҳаракатларининг бир қисмидир. Ўзбекистон ўзининг глобал ва минтақавий миқёсдаги нуфузини сезиларли даражада мустаҳкамлади. Мен мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига гувоҳ бўлганимдан жуда хурсандман, унинг истиқболлари ва кутилаётган натижалар ҳам жуда яхши бўлишини қайд этишни истардим.

Ўзбекистон халқаро форумларда ҳам ўз етакчилик фазилатини намоён этди. Шу маънода, ташкилотимиз кун тартибига янги ва фойдали ташаббусларни киритгани туфайли ИҲТ Ўзбекистон раислигидан катта наф кўрди.

ИҲТнинг 2021 йилда бўлиб ўтган 14- ва 15-саммитлари чоғида Ўзбекистон Президенти минтақавий интеграцияни янада кенгайтириш таъминланиши учун ҳамкорликни кенгайтиришнинг ҳисобидан кун тартибимизни бойитиш бўйича бир қанча конструктив таклифларни илгари сурди. Бу таклифлар, жумладан, савдо, транспорт ва энергетика соҳаларини қамраб олган ва асосан, ИҲТни юзага келаётган минтақавий ва глобал тенденцияларга мослаштиришга йўналтирилган. Ўзбекистоннинг барча таклифлари жуда долзарб деб тан олинди ва шунинг учун барча аъзо давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Масалан, ИҲТ тарихида биринчи маротаба раислик қилувчи мамлакат ўзи раислик қиладиган йилга ном берди. Шу нуқтаи назардан, 2022 йил Президент Шавкат Мирзиёев таклиф этганидек, "Ўзаро узвий боғлиқликни мустаҳкамлаш йили" бўлди ва шунга монанд равишда минтақавий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича аниқ-равшан натижаларга эришилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти ИҲТ доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик бўйича юқори даражадаги мулоқотни яратишни таклиф қилди, бу ҳам жуда муҳим глобал масаладир. Барча аъзо давлатлар ушбу таклифни мамнуният билан олқишлади ва ташкилот атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ ишларда ИҲТ ва бошқа етакчи халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга интилмоқда.

> **ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИҲТ ДОИРАСИДА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ МУЛОҚОТНИ ЯРАТИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛДИ, БУ ҲАМ ЖУДА МУҲИМ ГЛОБАЛ МАСАЛАДИР. БАРЧА АЪЗО ДАВЛАТЛАР УШБУ ТАКЛИФНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ОЛҚИШЛАДИ ВА ТАШКИЛОТ АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРДА ИҲТ ВА БОШҚА ЕТАКЧИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШГА ИНТИЛМОҚДА.**

— Савдо ва инвестиция, транспорт логистикаси ва бошқа соҳаларда аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари ИҲТ фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади. Шу боис, сизнингча, барчамизга тегишли бўлган ушбу йўналишларда давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг истиқболлари қандай?

— Ўзбекистон Президентининг таклиф ва ташаббуслари муҳимлигини инобатга олган ҳолда, ИҲТ котибияти уларнинг изчил амалга оширилишини таъминлаш учун тизимли саъй-ҳаракатларни бажарди. Ташкилот устувор йўналишларда, жумладан, савдони эркинлаштириш, савдо тартиботларини соддалаштириш ва савдо тўсиқларини бартараф этиш, транспорт алоқаларини яхшилаш, минтақанинг сайёҳлик салоҳиятини илгари суриш, энергетика алоқаларини мустаҳкамлаш ва экологик муаммолар, иқлим ўзгариши, ер деградацияси ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги каби долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича биргаликдаги ишларни жадаллаштирди.

Бизнинг олдимизда устувор йўналишларда минтақавий ҳамкорликни ва интеграцияни яхшилаш билан боғлиқ қатор ўта муҳим масалалар турибди. Минтақавий алоқаларни ва интеграцияни сезиларли даражада кенгайтириш эришиш учун фаол саъй-ҳаракатларни амалга оширди.

— Савдо ва инвестиция, транспорт логистикаси ва бошқа соҳаларда аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари ИҲТ фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади. Шу боис, сизнингча, барчамизга тегишли бўлган ушбу йўналишларда давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг истиқболлари қандай?

— Ўзбекистон Президентининг таклиф ва ташаббуслари муҳимлигини инобатга олган ҳолда, ИҲТ котибияти уларнинг изчил амалга оширилишини таъминлаш учун тизимли саъй-ҳаракатларни бажарди. Ташкилот устувор йўналишларда, жумладан, савдони эркинлаштириш, савдо тартиботларини соддалаштириш ва савдо тўсиқларини бартараф этиш, транспорт алоқаларини яхшилаш, минтақанинг сайёҳлик салоҳиятини илгари суриш, энергетика алоқаларини мустаҳкамлаш ва экологик муаммолар, иқлим ўзгариши, ер деградацияси ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги каби долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича биргаликдаги ишларни жадаллаштирди.

Бизнинг олдимизда устувор йўналишларда минтақавий ҳамкорликни ва интеграцияни яхшилаш билан боғлиқ қатор ўта муҳим масалалар турибди. Минтақавий алоқаларни ва интеграцияни сезиларли даражада кенгайтириш учун бизда улкан имкониятлар мавжуд. Дунё аҳолисининг 6,6 фоизи минтақамиз ҳиссасига тўғри келади. Қолаверса, 2021 йилда минтақанинг жаҳон савдосидаги улуши 927,8 миллиард АҚШ долларини, минтақамиз ичидаги савдо ҳажми 76,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу ИҲТ савдоси бутун дунё савдосининг 8,2 фоизи деганидир. Ушбу рақамлар дунё аҳолисидаги улуши, шунингдек, бой табиий ва инсон ресурсларига эгалиги нуқтаи назаридан минтақанинг муносиб салоҳиятига мос эмас.

Бизнинг иқтисодиётимиз ҳали ҳам Covid-19 пандемияси сабаб юзага келган глобал инқирознинг салбий таъсирини бошдан кечирмоқда. Хусусан, инфляция суръатларининг глобал ўсиши молиявий шароитлар кескинлашишига ва яшаш нархи ошишига олиб келди. Қолаверса, яқинда юзага келган глобал сиёсий вазият таъминот занжирлари бузилиши ҳамда озиқ-овқат ва энергия хавфсизлиги нуқтаи назаридан ташвишланишни юзага келтирди. Таъминот занжирларидаги ҳар қандай бузилиш бутун дунё бўйлаб маҳсулот етказиб бериш жараёни ва нархларга таъсир кўрсатади, хомашёни қидиришдан тортиб, то транспорт харажатлари, қўшимча қиймат ва ниҳоят, истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган юқори харажатлар туфайли иқтисодий фаолиятни хавф остига қўяди. Шу боис, 2022 йилда Ўзбекистон раислигида ташкилот минтақавий ривожланиш учун муқаррар равишда зарур бўлган ўзаро боғлиқликка улкан аҳамият қаратди.

Бундан ташқари, биз лойиҳалар асосидаги ёндашувга кўпроқ эътибор қаратдик. Ҳозирги пайтда ИҲТ лойиҳаларининг умумий сони 37 тани ташкил этади, улардан 23 таси амалга оширишнинг турли босқичларида турибди. Таклиф этилаётган янги лойиҳалар сони 14 та.

Барча устувор йўналишларда бизнинг кун тартибимиз минтақамиз ва унинг аҳолиси учун фаровонликни яхшилашга кўмаклашадиган жуда истиқболли лойиҳаларни ўз ичига олган. Олдимизда барча манфаатдор томонларнинг умумий тўғри тушуниши ва жамоавий саъй-ҳаракатлар билангина эришиш мумкин бўлган улкан вазифалар ва эзгу мақсадлар турибди.

Шу боис, минтақавий ҳамкорлигимиз истиқболларига катта ишонч билан қарайман. ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтадиган 26-йиғилишида аъзо давлатларнинг юқори мартабали расмийлари томонидан бизга жуда яхши эътибор қаратилади, деб ўйлайман. Иқтисодий ҳамкорликнинг минтақавий форуми сифатида ИҲТнинг ролини янада ошириш мақсадига йўналтирилган самарали учрашувлар ва конструктив мунозаралар ўтказилишини кутмоқдамиз. Шунинг учун мен барча аъзо давлатларга бу муҳим учрашувда ташкилотни қўллаб-қувватлагани, айниқса, ҳозирги мураккаб глобал иқтисодий ва сиёсий воқеалар шароитида минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришга йўналтирилган йиғилиш ўтказилишига кўмаклашгани учун Ўзбекистон раҳбариятидан миннатдорман.

"Дунё" АА

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

МУРОЖААТНОМА ФЕНОМЕНИ

(Учинчи мақола)

Қиём НАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Бугун ҳам худди шундай жараён давом этмоқда ва бутун инсоният, барча халқлар тобора шиддат билан ўзгараётган ҳозирги дунёда ўзлигини сақлаб қолиш, ўзига муносиб деб ҳисоблаган ўринга эга бўлиш, тараққиёт шитобидан ортда қолмаслик учун ҳаракат қилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳам ана шундай жараён амалга ошмоқда. Ҳозирги даврда халқимиз янги жамият қуриш, энг ривожланган давлатларга хос ҳаёт даражасига эришишдек эзгу мақсадлар билан яшаяпти. Мамлакатимизнинг замонавий ва жозибадор қиёфасини яратиш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш ватандошларимизнинг асосий мақсад-муддаосига айланди.

Бу борада алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва туб ўзгаришларнинг пировард мақсади юқорида қайд қилинган янгиланишлар фалсафасининг маъно-мазмуни ва устувор тамойилларига ҳамоҳанг, уйғунлиги шубҳасиз.

Айни пайтда мазкур соҳадаги умуминсоний қонуниятлардан бири шундайки, бу борада ўз азмингда қойим турмоқ, мақсадга эришмоқ учун муттасил олдинга интилиш, ҳаётни ва тафаккурни ислоҳ қилиш, жамият ва унинг таркибий қисмлари, мавжуд тизимларда янгиланиш томон собитқадамлик билан бориш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Бу жиҳатдан Президент Мурожаатномаси жорий йилда халқимизнинг ҳозирги даврдаги Тараққиёт стратегиясида белгиланган эзгу мақсадлар ва долзарб вазифаларни амалга ошириш, яъни мураккаб ва серқирра янгиланиш жараёнининг 2023 йилга доир босқичи учун зарур бўлган муҳим омиллари, самарали йўллари ва имкониятлари кўрсатиб берилган тарихий ҳужжатдир.

Шубҳа йўқки, бутун бир жамиятнинг янгиланиши, 36 миллион халқнинг янги тараққиёт босқичига тўла-тўкис ўтишидек кенг кўламли жараённинг самарали бўлишини таъминлаш учун кўплаб омиллар, имкониятлардан фойдаланиш зарур.

Бу борада инсоният тўплаган тажрибага кўра, албатта, **биринчидан,** янгиланиш ғояси ва дастурини яратадиган, масъулиятни зиммасига олишдан қўрқмайдиган, шижоатли лидернинг майдонга келиши, **иккинчидан,** аҳолининг ислоҳотчига айланиши ва янгиланишларга дахлдорлиги юксак даражага етиши, **учинчидан,** халқ тафаккури янгиланиши ва давр талабларига ҳозиржавоб авлоднинг вояга етиши мазкур жараённинг энг муҳим омилларидир.

Шу маънода, Мурожаатномадаги қуйидаги фикр бугунги воқелигимизнинг муҳим ҳақиқати ва ҳозирги давр талабини акс эттиради: “**Биз қадимий ва бой тарихимизни, айниқса, ғоят оғир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садоқат ғояларини дадил кўтариб чиққан жадид боболаримиз фаолиятини янада чуқур ўрганишимиз лозим. Уларнинг улуғ мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиги Янги Ўзбекистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур**”.

Ушбу фикрнинг аҳамияти шундаки, қадимий ва бой тарихини, ота-боболарининг Ватанга садоқати, халқ манфаатлари йўлидаги фидокорона хизматларини яхши биладиган ва уларга хос фазилатларни қалбига сингдирган кишилар, айниқса, ёшлар бугунгидек мураккаб янгиланишларнинг долғали эпкинларида адашиб қолмайди, турли бузғунчи таъсирларга берилмайди, бу борадаги масъулиятни чуқур англайдиган фаол ва омилкор шахсларга, ислоҳотларнинг онгли ижодкорларига айланади.

Хўш, жамиятнинг янгиланиши ва уни амалга оширишга бел боғлаган халқнинг тўла-тўкис ислоҳотчига айланиши ўз-ўзидан ва оддийгина рўй берадими? Бутун халқни ислоҳотчига айлантириш осонми? Ислоҳотчи авлодни шакллантиришдек мураккаб вазифани ким бажаради? Янгиланиш жараёни ва унинг натижалари учун ғоят муҳим бўлган бу каби долзарб саволларга ҳар ким ҳар хил ёндашиши ва турлича жавоб бериши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг асарлари ва маърузаларида зиёлиларнинг жамиятдаги ўрни ва роли тўғрисидаги кўплаб хулосалари, айни пайтда эса Мурожаатномадаги жадид боболаримиз ҳақидаги фикрлари мантиғидан келиб чиқадиган бўлсак, бу масалада ҳам янгиланиш эҳтиёжи учун зарур бўлган инсон омили билан боғлиқ муайян ечимга келиш мумкин.

БИЗГА ЯНГИ ЖАДИДЛАР КЕРАК!

Дунё халқларининг қадимий ва бой тарихида ўзига хос туб янгиланиш даврлари рўй берганки, бундай замонларда муайян миллат даҳоси, унинг эзгуликларга интилиши, яратувчанлик фаолияти энг юксак чўққиларга кўтарилади. Айни бир халқ салоҳиятининг улкан натижаси бўлган оламшумул ютуқлар эса инсоният тарихининг ёрқин саҳифаларига айланади, дунё цивилизацияси тараққиётига катта туртки беради.

Баъзи халқларгагина насиб этадиган бундай юксак кўтарилиш ва тараққиёт даврлари билан боғлиқ бир қонуният ҳам борки, бундай замонларда рўй бераётган чуқур ўзгаришлар ва янгиланишлар зарурлигини, бу борадаги мақсад-муддаолар ва долзарб вазифалар туб моҳиятини яхши англайдиган, замондошларига ўрнак бўладиган, уларни эзгу ғоялар йўлига бошлайдиган ва бутун ҳаётини шунга бағишлайдиган ҳур фикрли ислоҳотчилар авлоди шакланади.

Тўғри, кўҳна тарих бундай авлоднинг энг машҳурларидан бошқа вакиллари номини тўла-тўкис сақлаб қололмаса-да, аммо уларнинг бутун инсоният ёки муайян халқ олдидаги ўз бурчини бажаргани, эзгу ғояларга фаол хизмат қилгани, ўзи яшаган замонда юксак натижаларга эришганини асло унутмайди.

Шу маънода таъкидлаш жоизки, гарчанд “жадид” ибораси кейинги асрларда машҳур бўлган бўлса-да, мажозий маънода ушбу атамани барча янгиланиш даврлари ва ўз миллатининг ойдинлари, ўзгаришларни амалга оширувчиларнинг сарбонларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Қадимги янгиланиш даврларининг салафлари Милет ва Гомер, Солон ва Пифагор, Архимед ва Птолемей, Сукрот ва Аристотель, Конфуций ва Лао Цзи фақат энг машҳурларнинг номлари сақланиб қолган улкан янгиланиш даврларининг меваси ва ижодкори бўлгани шубҳасиз.

Худди шундай, Бухорий ва Термизий, Фарғоний ва Хоразмий, Форобий ва Беруний, Ибн Сино ва Марғиноний, Кубро ва Мотуридий, Нақшбанд ва Яссавий, Амир Темур ва Улуғбек, Навоий ва Бобур ўз замони, халқимиз тарихидаги Уйғониш даврларининг ўзига хос жадидлари эди.

Нафақат Европа, балки бутун инсоният цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Шекспир ва Данте, Да Винчи ва Микеланжело, Галилей ва Ньютон, Дидро ва Вольтер, Руссо ва Бетховен, Кант ва Гегель каби алломалар ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

Мурожаатномада алоҳида эътибор қаратилган жадид боболаримиз XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистонда рўй берган янгиланиш ва миллий уйғонишнинг яловбардорлари эди. Ўлкамиздаги жадидчилик Чоризм зулми остида эзилган халқларнинг уюшиши, бирлашиши ва озодлик учун курашиш ғояси асосида, маърифатчилик ҳаракати шаклида вужудга келди. Жадидлар асослаб берган миллий мафкура ва уларнинг ғоявий мақсадлари, улар амалга оширишга уринган вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган инсонпарварлик ва миллий онгни уйғотиш, тарбиялашга чақирувчи дунёқараш тарзида намоён бўлди.

Ҳаётда рўй бераётган турли ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ўрганиш, миллий қадриятлар ва халқ дунёқарашини жаҳон тараққиёти талаблари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш борасида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Муҳаммадшариф Сўфизода, Саидрасул Азизий, Мунавваркори, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий каби маърифатпарварлар катта ютуқларга эришди. Уларнинг ҳар бири ўлкамиз халқларининг озодлиги ва миллий ўзлигини тиклаши, илм-маърифат ва миллий қадриятларга содиқлик йўлида жон фидо қилди.

Миллатпарвар ва тараққийпарвар жадидлар вазиятни теран англагани учун Туркистонни жаҳон цивилизацияси тизимидаги ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишнинг асосий йўлларидан бири илм-фан ва маърифатни тараққий эттириш, деб билар эди. Улар мамлакатни қолоқлик, тарқоқлик, саводсизлик ботқоғидан фақат маърифат орқали қутқариш мумкинлигини яхши тушуниб етгани учун асосий саъй-ҳаракатларини янги усулдаги таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш, унинг мазмун ва шаклини такомиллаштиришга қаратди. Янги усулдаги мактабларни Туркистоннинг ўсиб келаётган ишбилармон бойлари ва илғор маърифатпарвар зиёлилари қўллаб-қувватлади. Жадидлар янги мактаблар тизимини такомиллаштириш учун дарсликлар яратди, асарларида жамият маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатувчи иллатларни ёритди ва уларни бартараф этиш йўлларини излади ҳамда бу борада кўплаб ишларни амалга оширди.

Жадидлар ҳаракати ва бой мероси халқларимиз тараққиёти, эрк ва озодлик учун кураши, юксак маърифатга эришиш жараёнига янада каттароқ таъсир кўрсатиши мумкин эди, албатта. Афсуски, XX асрнинг 30-йилларида бошланган сиёсий қатағонлар уларнинг ўзини ҳам, маънавий-маърифий меросини ҳам домига тортди. Бу меросниг собиқ иттифоқ давридаги тақдири ниҳоятда аянчли кечди, жадид мактабларининг барчаси ёпилди, бой маънавий мерос тақиқлаб қўйилди, унинг намуналарини ҳатто музейлар ва кутубхоналардан ҳам топиш қийин бўлиб қолди.

Фақат республикамиз мустақил бўлганидан кейингина аҳвол бироз ўзгарди, кейинги йилларда эса жадидлар ҳаракатига эътибор кучайди. Президентимиз Мурожаатномасида жадид боболаримиз мероси, уларнинг маърифатчилиги, илгари сурган миллий ғоялари ва қарашларига алоҳида эътибор берилгани буни янада яққол тасдиқлайди.

Бугун юртимиз янгиланмоқда. Халқимиз янги жамиятни барпо этиш йўлида собитқадамлик билан ҳаракат қилмоқда. Ватанимиз тинч ва барқарор ривожланмоқда. Ҳар биримизнинг мамлакатимиздаги янгиланишлар ва ислоҳотлар жараёнида самарали меҳнат қилишимиз учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Жадид боболаримиз эса ниҳоятда таҳликали даврда яшади, таъқиб ва тазйиқ остида умргузаронлик қилди. Жонларини фидо қилса-да, ўз ғояларидан воз кечмади, эзгу мақсадлар йўлидан қайтмади. Улар бугунгидек замонни ва ҳозиргидек имкониятларни орзу қилган эди. Аммо ўша даврда бу истак бўғилди, унинг соҳиблари қатағон қилинди. Янги Туркистон орзуси амалга ошмади.

Жадид боболаримизнинг асарлари ҳам тинч ва фаровонлик даврларида, осойишта иш хоналари ва сокин кабинетларда ёзилмаган. Уларнинг барчаси жадидлардан бирининг ғоят ўхшатиб айтганидек, **“...ажал қиличи чархланиб, бўйинга тақалган ва ҳар бир дақиқада бошни кесишга тайёр турган...”** дамларда битилган.

> **“ БУГУН ЮРТИМИЗГА “ЖАМИЯТ — ИСЛОҲОТЛАР ИЖОДКОРИ” ДЕГАН ПУРМАЪНО ТАМОЙИЛНИ АМАЛГА ОШИРИШДА БАРЧАГА ЎРНАК БЎЛАДИГАН ВА БУ ЙЎЛДА ЖАҲОН БИЛАН БЕМАЛОЛ БЕЛЛАШАДИГАН, ЯНГИЛАНИШЛАРНИНГ ПИРОВАРД НАТИЖАЛАРИ УЧУН ТОЛМАЙ КУРАШАДИГАН ЯНГИ ЖАДИДЛАР, ИСЛОҲОТЧИЛАР КЕРАКЛИГИ ШУБҲАСИЗ.**

Эндиликда халқимиз тараққиётининг янги ривожланиш босқичига ўтган, имкониятлар ниҳоятда кенгайган бугунги кунда жадид боболаримизнинг азму қарорида қатъий туриш, эл-юрт қайғуси билан яшаш, миллий қадриятларга садоқат, эзгу ниятлар ижобат бўлиши учун кураш каби хислатлари ҳар дақиқада бизга ўрнак ва ибрат бўлмоғи лозимлиги давр талабига айланди.

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда Беҳбудийнинг “Ёшларга мурожаат”, Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, Фитратнинг “Нажот йўли”, Исҳоқхон Ибратнинг “Ислоҳи миллат” каби ўша давр жадидлари тафаккури ва замон руҳини акс эттирган кўплаб асарлари барчамиз учун муҳим қўлланмаларга айланиши даркор.

Айни пайтда жамиятда рўй бераётган янгиланишлар мантиғи нафақат бутун жамият, балки ҳар биримизни давр талабига мос тарзда ўзимизни ислоҳ қилишимизни ўткир заруратга айлантирди. Шу билан бирга, янги жамиятни барпо этиш, келажак пойдеворини қуриш эса ҳар биримиздан қатъиятли ва омилкор бўлишни, янгича ўйлаш, янгича ишлашни талаб қилмоқда.

Бу борада ҳам аллома Сукротнинг **“Ўзгаларни ўзгартирмоқчи бўлган инсон, аввало, ўзини ўзгартириши лозим. Бунинг учун эса аниқ мақсад, толмас ирода ва доимий изланиш зарур”**, деган ҳикматли ибораси ҳаммамиз учун асосий мезон бўлиши даркор.

Бугун юртимизга **“Жамият — ислоҳотлар ижодкори”** деган пурмаъно тамойилни амалга оширишда барчага ўрнак бўладиган ва бу йўлда жаҳон билан бемалол беллашадиган, янгиланишларнинг пировард натижалари учун толмай курашадиган янги жадидлар, ислоҳотчилар кераклиги шубҳасиз.

Бундай авлод эса фақат ва фақат сифатли таълим ва миллий тарбия тизими орқали шаклланади.

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ

Мурожаатномада **“Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир”,** дея бежиз уқтирилмаган ва унинг давомида аллома бобомиз Юсуф Хос Ҳожибнинг **“Заковат бор жойда улуғлик бўлади, Билим бор жойда буюклик бўлади”,** деган гапи ҳам оддийгина қайд қилинмаган.

Негаки, бугунги дунёда ўқиган, замонавий илм ва ҳунарларни пухта эгаллаган, ёш авлодини айни шу руҳда тарбиялаган халқлар, давлатларгина жадал ривожланмоқда, замон шиддатига уйғун тараққиёт даражасига эришмоқда. Бу эса мазкур соҳада ҳам ислоҳотларни янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда.

Президент Мурожаатномасини диққат билан ўқиб-ўрганиш бугунги ислоҳотларнинг бош мақсади Янги Ўзбекистонни барпо этишдан иборат экан, уни ёшларсиз қуриб бўлмаслигини тўла-тўкис англаш ва ушбу йўналишдаги ишларни ҳар тарафлама сифатли ва самарали ташкил қилиш учун барча асосларга таяниш зарурлигидан далолат беради.

Ушбу йўналишдаги таълим-тарбия борасидаги долзарб вазифалар аҳамиятини тўла англаш учун бугунги кунда тобора глобаллашиб бораётган дунёнинг мисли кўрилмаган суръатлар билан кескин ўзгараётгани, янги ва турли хил мазмундаги жараёнлар рўй бераётганига алоҳида эътибор бериш зарурати пайдо бўлмоқда. Кўплаб ижобий жараёнлар билан бирга, ёш авлоднинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган маънавий таҳдидлар ва мафкуравий хуружлар тобора хавфли тус олиб бормоқда.

Жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорлик, ислоҳотлар келажаги ва тақдири учун ниҳоятда муҳим бўлган бундай мураккаб вазиятда тобора ўсиб-униб келаётган ёш авлодни зарарли ва бузғунчи ғоялар таъсиридан асраш давримизнинг энг долзарб вазифаларидан бирига айлангани шубҳасиз.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда маънан баркамол, юксак иқтидорли ва замонавий фикрлайдиган, Ватанимизга содиқ йигит-қизларни тарбиялаш бундан буён ҳам мазкур йўналишнинг асосий тамойили бўлиб қолмоқда.

Шу сабабдан ҳам Мурожаатномада таъкидланганидек, **“Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”. Маърифатпарвар жадид боболаримизнинг бу сўзлари депутат ва сенаторларимиз, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айланиши керак”.**

Бу, ўз навбатида, сифатли таълимга эришишни умуммиллий ҳаракатга айлантириш бўйича бошланган ишлар янги босқичга кўтарилаётгани, юртимизда мутлақо янгича мазмундаги замонавий таълим тизимини яратиш иши жадаллашаётганидан далолат беради. Кейинги йилларда кўплаб таълим муассасалари ташкил этилаётгани, бу жабҳада улкан бунёдкорлик ва қурилиш ишлари олиб борилаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бундай микдорий ўзгаришларнинг тараққиётга олиб келиши табиий.

Айни пайтда таълим ва тарбия тизимини ислоҳ қилмасдан, бунда ёшларимизни миллий қадриятларга содиқ, маънавий баркамол ва етук инсонлар бўлиб камолга етказишга эътиборни кучайтирмасдан, ушбу соҳага доир ишларда юксак самара ва юқори сифатга эришиб бўлмайди. Буни жадид боболаримиз ҳам ниҳоятда теран англаган ва шу йўлда толмай меҳнат қилган. Аллома бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Ойина” журналининг 1914 йилда чоп этилган 41-сонидаги **“Муҳтарам ёшларга мурожаат”** мақоласида бу ҳақда ёзилган қуйидаги сўзларга эътибор беринг: **“Барчамизга офтоб каби равшан ва аёндурки, макотиб тараққийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидир. Ҳар миллат, энг аввало, макотиби ибтидоийсини замонча ислоҳ этиб кўпайтурмагунча, тараққий йўлиға кируб, маданиятдин фойдаланмас”.**

Замонавий таълим соҳасининг энг асосий вазифаси бугунги кунда илм-фан ва ўз ихтисослиги асосларини пухта эгаллаган, билимли ёшларни тарбиялашдан иборат ва бу ниҳоятда зарур амалиёт. Табиий-техник ва ихтисослик фанлари бундай мутахассисларни тайёрлаш учун асосий омил экани ҳам шубҳасиз.

Аммо халқ ва жамият, миллат ва давлат манфаатларини кўзлайдиган, ўзини юрт манфаатлари билан бирга кўрадиган ва ислоҳотларга дахлдорлигини, ижтимоий масъуллигини сезадиган фуқаролар авлодини тарбиялаш учун ушбу фанларнинг ўзигина кифоя қилармикан? Бунинг оқибатида тафаккури бир томонлама шаклланган, ўзидан бошқани ўйламайдиган, халқ, давлат ва жамият тушунчаларидан бегона бўлган ва бугунги кунда чет элларда “Бой берилган авлод” дея аталаётган ёшлар авлоди шаклланиб қолмайдими деган хавотирлар ҳам йўқ эмас.

Айни пайтда, бундан 60-70 йил илгари, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қийинчилик ва моддий тақчиллик йилларида чет элларда ишлаб чиқилган ва асосан, “Ижтимоий фанлар ва ахлоқ таълимига пул тикиш зарур эмас”, деб ҳисобланган ва мутлақ ғоясизликка асосланган “Билимли авлод концепциялари”нинг оқибатлари қандай бўлгани эса яхши маълум.

Афсус билан қайд этиш жоизки, узлуксиз таълим тизимини гуманитарлаштириш, ушбу тизимда маънавий баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим омили бўлган ижтимоий фанларни қанча миқдорда ва қандай мазмунда ўргатиш бўйича яхлит ҳужжат ҳалигача ишлаб чиқилмаган. Ушбу фанларнинг таълим босқичлари ва ихтисосликлар талаблари ва тамойилларига мослиги, ўқувчилар, бакалаврлар ва магистрларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларига мувофиқлиги ҳақидаги аниқ-тиниқ тасаввурлар тугал даражага етмагани ҳам маълум.

Ҳолбуки, таълим тизимининг барча босқичларида бу борадаги замонавий концепцияни ишлаб чиқиш зарур эҳтиёжга айланган. Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий фанларни ўқитиш тартиби ва тамойиллари тўғрисида қонунни ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш эҳтиёжи етилган.

Айни пайтда биз, собиқ иттифоқ давридагидек ўта мафкуралашган, ҳаёт талабларидан, ёшларнинг эҳтиёж ва қизиқишларидан йироқ, абстракт тушунча ва кўпчиликка тушунарсиз тамойилларга асосланган эски ижтимоий фанлар тизимига қайтиш керак, демоқчи эмасмиз, албатта. Ҳозирги шароитда бунинг кераги ҳам, истиқболи ҳам йўқлиги шубҳасиз.

Аммо ота-оналаримиз анъаналарини давом эттирадиган, миллий қадриятларга содиқ, давлат ва жамият манфаатларини асло унутмайдиган, кенг тафаккурли ва фуқаролик масъулиятини тўғри англайдиган маънавий баркамол авлодни шакллантириш учун бу вазифани бажаришда кўмак берадиган янги ижтимоий фанлар тизимини яратиш зарур. Бу жиҳатдан 2030 йилгача узлуксиз таълим ва тарбия соҳасини гуманитарлаштириш стратегияси яратилиши ва амалиётга жорий этилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ушбу ҳужжатларнинг барчаси мамлакатимизда маънавий-маърифий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган “Таълим кодекси”ни ва “Янги Ўзбекистоннинг тарбия модели”ни, яъни бу соҳада ҳам халқимизга мос миллий андозани яратиш имконини беради.

Бу жиҳатдан азалий миллий қадриятларимиз, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган одоб-ахлоқ қоидаларининг бутунлай йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбияга эътибор қаратиш бирламчи вазифамизга айланди.

Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало, ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук ва маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш борасида зиммамиздаги масъулиятимизни англашимиз ва бу йўлда фаол иш олиб боришимиз зарур.

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

БУГУННИНГ ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИ

илмий кўприк вазифасини бажарувчи шахс бўлиши керак

Дилшод РУСТАМОВ,
Андижон давлат чет тиллари институти ректори, филология фанлари доктори

Бошланиши 1-бетда

Аҳамиятли жиҳати, юқоридаги мақсадларга эришишнинг асосий кафолати сифатида таълим тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, таъбир жоиз бўлса, соҳада янги сифат босқичига ўтиш масаласи қўрилмоқда.

2023 йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номланиши таълим тизими вакили сифатида бизга катта масъулият ва вазифалар юклайди.

20 январь куни Президентимиз томонидан мактабларда хорижий тиллар ва касб ўргатиш тизимини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда берилган кўрсатмалар эса масъулиятимизни икки ҳисса ошириб, вазифалар ижросига жадаллик билан киришишга ундайди.

Бунда мактабларга асосий кадр етказувчи сифатида олий таълим муассасаларида ишнинг тўғри ва талаб даражасида олиб борилиши кун тартибига чиқади. Талабга кўра, бошлаган ишларимизни қайта кўриб чиқиш, асосий урғуни талабаларга замонавий хорижий методлар асосида таълим бериш малакасини шакллантиришга қаратиш зарур. Шу боис, чет тиллари бўйича мутахассислар тайёрловчи профессор-ўқитувчиларни етакчи хорижий мамлакатларга тажриба ва малака оширишга юбориш борасидаги режаларни бажаришга бирламчи эътибор берамиз.

Шунингдек, битирувчиларни қамраб олиш даражасини, меҳнат бозорига билимли ва рақобатбардош кадрлар етказиб беришни ошириб бориш ишини ривожлантирамиз. Чунки Мурожаатномада айтилганидек, келаси йили 70 та янги мактаб қурилади, 460 таси кенгайтирилади. Хусусий инвестициялар иштирокида 100 та мактаб қуриш лойиҳаси бошланади, келаси беш йилда улар сони мингтага етказилади. Уларни эса сифатли ва юқори малакали кадрларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Республикамиз бўйлаб бошланғич синф ўқувчиларининг бепул овқатланишини ташкил этиш, ҳар бир вилоятда биттадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилиши, кимё саноати, электротехника, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан бирга, алоҳида муҳандислик мактаблари ташкил қилиниши бўйича режаларнинг барчаси келажак кадрларини тайёрлашга эътиборнинг муҳимлигини кўрсатади.

Президентимизнинг олий таълим муассасалари ичидаги коррупцион ҳолатларнинг сақланиб қолаётгани, айрим талабаларнинг дарсларга қатнашмай баҳо олиб кетишини айтиши ҳам, аслида, соҳа ходимлари учун жуда катта огоҳлантиришдир. Институтимизда ана шундай ҳолатлар содир бўлмаслиги учун Коррупцияга қарши кураш ва комплаенс назорат бўлими билан биргаликда аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, имтиҳонларни очиқ ташкил этиш, талабалар томонидан ўқитувчиларга баҳо бериш тизимини жорий этиш бўйича бир қатор ишларни амалга оширдик. Келгусида бу ишларни янада кучайтириш йўлидан қатъий борамиз.

Мурожаатномада чет тилларни ўқитишнинг аҳамияти ҳақида ҳам фикрлар айтилди. Маълумки, олий ўқув юртларида чет тилларни ўқитиш икки йўналишда амалга оширилади. Биринчиси, филологик йўналиш бўлиб, бўлғуси филолог, чет тили ўқитувчиси тайёрланади. Иккинчиси, нофилологик йўналиш, унинг вазифаси турли фан соҳаларидаги талабаларга танлов асосида чет тилларидан бирини ўргатишдир.

Ушбу йўналишларда тилшунослар, методист-услубчилар иштирокида, шунингдек, бошқа соҳа вакиллари, яъни чет тилини ўрганмоқчи бўлаётган талаба танлаган мутахассислик йўналиши олимлари, мутахассислари иштирокида жиддий муҳокама қилиниши мақсадга мувофиқдир. Бу, ўз навбатида, ҳозирги замон чет тилларни ўқитишдаги асосий мақсад ва вазифаларга ойдинлик киритган бўлар эди.

> **ИЛМИЙ ДАРАЖАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНИШИНИ ЙИЛЛАР КЕСИМИДА ТАҲЛИЛ ҚИЛАДИГАН БЎЛСАК, МАВЖУД 62 НАФАР ИЛМИЙ ДАРАЖАЛИ ВА УНВОНЛИ КАДРЛАРНИНГ 10 НАФАРИ 2016 ЙИЛГАЧА, 13 НАФАРИ ОХИРГИ 5 ЙИЛДА ВА 24 НАФАРИ ЖОРИЙ ЙИЛДА ИЛМИЙ ИШЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛДИ. БУ ИНСТИТУТДА ИЛМИЙ СОҲАДА СЕЗИЛАРЛИ ЎСИШ БЎЛГАНИНИ АНГЛАТАДИ.**

Айтилганлар чет тиллар ўқитиш методологиясидаги муаммолар ҳақида бўлиб, Андижон давлат чет тиллари институти жамоаси томонидан ушбу муаммолар ечимига қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Институтимизда ҳозирги кунда 4450 нафар талаба кундузги таълимда инглиз тили ва адабиёти, немис тили ва адабиёти, француз тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти йўналишлари бўйича таҳсил олмоқда.

Илмий даражали кадрлар тайёрланишини йиллар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, мавжуд 62 нафар илмий даражали ва унвонли кадрларнинг 10 нафари 2016 йилгача, 13 нафари охирги 5 йилда ва 24 нафари жорий йилда илмий ишларини ҳимоя қилди. Бу институтда илмий соҳада сезиларли ўсиш бўлганини англатади.

Мурожаатномада белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича мутахассис, бўлажак чет тили ўқитувчиси тайёрловчи йўналишларда тилни ўқиш, ёзиш, гапириш ва тинглаб тушуниш кўникмаларига ажратган ҳолда, кичик гуруҳларда амалий дарс сифатида ўргатиб, аввало, талабанинг ушбу кўникмаларни ўзида мужассамлаштириб, кейин бошқаларга ўргатиш, ўқитиш кўникмасига эга бўлишига алоҳида урғу берилиши мақсад қилинган. Шунингдек, айтиш жоизки, ушбу йўналишда олий таълим муассасаларида миллий дарсликлар ишлаб чиқилмагани муаммони яна ҳам қийинлаштиради. Ҳозирги кунда фойдаланиб келинаётган чет эл дарсликларидаги матнлар, маълумотлар миллий менталитетимизга мос тушмаслиги талабаларда бир қатор тушунмовчиликлар туғилишига сабаб бўлмоқда. Ушбу ҳолатларни ҳисобга олиб, олимларимиз томонидан хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) таълим йўналиши 1-курс талабалари учун “Reading1”, “Writing1”, “Speaking1” ва “Listening1” номли дарслик тайёрланди. Ҳозирда кейинги босқич талабалари учун ҳам ана шундай дарсликлар яратиляпти.

Бугун мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ҳам чет тилларни ўрганмоқда. Айниқса, ушбу йўналишда хусусий секторга кенг имкониятлар очилиши муносабати билан хусусий боғча тарбияланувчилари чет тилни шу қадар пухта ўрганмоқдаки, натижада мактаб дарсликлари уларга такрорлаш бўлиб, вақтнинг беҳуда ўтишига олиб келяпти. Шу маънода, институтимизнинг салоҳиятли методист-олимлари томонидан мактабгача таълим ташкилоти (боғча) — мактаб — олийгоҳ кластерини ташкил этиш учун хизмат қиладиган дарсликлар яратиш бошланиб, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари учун “My First English Book” номли биринчи дарслик тайёрланди. Келгусида ўрта мактабларнинг бошланғич, юқори синфлари ва коллеж, лицей ўқувчилари, олийгоҳ талабалари учун алоҳида махсус таълим дарсликлари яратиш режалаштирилган.

Юқорида айтилганлардан ташқари, институтимизда илм-фан, техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда ўқитишни ташкил этишга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Бугуннинг чет тили ўқитувчиси фан-техника ютуқлари ташувчиси, илмий кўприк вазифасини бажарувчи бўлиши керак. Ушбу масалага давлат эҳтиёжи талабидан келиб чиқиб қаралса, замонавий мутахассисдан чет тилларни пухта билиш талаб этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хорижий манбалардан ўз соҳасига оид ахборотни ола билиш ва хорижлик ҳамкасби билан чет тилида илмий мулоқот қилиш лаёқатини шакллантириш зарурлигини кўрсатади. Ушбу зарурат Андижон давлат чет тиллари институтида Андижон луғатшунослик таржимашунослик илмий-амалий инновацион марказ фаолияти бошланишига туртки бўлди.

Профессор М.Умархўжаев раҳбарлигидаги жамоа ўз олдига мамлакатимиз илм-фан ютуқларини ривожлантиришни мақсад қилиб, қисқа муддатда қатор ишларни амалга оширди.

Жумладан, интеллектуал платформалар учун 5-11-синфларга аниқ ва табиий фанлар бўйича ҳамда сунъий интеллект фанидан 11 тилли интерфаол-ривожлантирувчи терминологик электрон ўқув луғатининг андроид қурилмалари ва компьютер дастурий маҳсулотлари ишлаб чиқилди.

Хорижий тиллар ва турли фан соҳалари олим ва мутахассисларидан иборат ижодий жамоа шакллантирилиб, жаҳондаги нуфузли илмий журналларда долзарб мавзулар ёритилган мақолаларнинг ахборот-таҳлил мониторинги олиб борилди. Жанубий Корея, Япония, Хитой, АҚШ, Англия, Франция, Германия, Туркия каби давлатларнинг рейтинги юқори халқаро илмий журналларида чоп этилган долзарб мавзудаги 800 дан ортиқ мақоланинг асосий мазмуни акс этган “Тезкор илмий хабарнома” илмий-ахборот бюллетени нашр этилди.

“Сунъий интеллект халқаро луғати” тузилиб, натижанинг фан ва ишлаб чиқариш тизимига жорий этилиши бўйича электрон дастурий таъминот учун Интеллектуал мулк агентлигидан 4 та гувоҳнома олинди. 5-11-синфлар учун аниқ ва табиий фанлар бўйича 11 тилли илмий терминлар интерфаол ўқув луғатининг компьютер дастурий маҳсулоти, мобиль илова ва босма нашр шакли Марҳамат туманининг 10-умумтаълим мактабида тажриба-синовдан ўтказилди. Шунингдек, қўшимча равишда “Математика”, “Информатика ва ахборот технологиялари”, “Биология” ва “Сунъий интеллект” фанларидан 4 та ўқув қўлланма чоп этилди.

5-синфлар учун аниқ ва табиий фанлар (“Математика”, “Информатика ва ахборот технологиялари” “Биология” ва “Сунъий интеллект”) бўйича 11 тилли илмий терминлар интерфаол ўқув луғатининг мобиль илова дастурий маҳсулоти Play Market платформасига ўқувчи ва ўқитувчилар фойдаланиши учун бепул жойлаштирилди.

Президентимизнинг Мурожаатномада келтирган фикрлари, таклифлари юқоридаги ишларни янада кучайтиришни тақозо қилади. Шундан келиб чиқиб, талабаларнинг ўрганган назарий билим ва кўникмаларини амалиёт билан чамбарчас боғлаган ҳолда пухта эгаллашларига имкон яратиш борасидаги қатор вазифалар белгилаб олинди.

НУҚТАИ НАЗАР

СОЛИҚ ЮКИ КАМАЙИБ, ТУШУМЛАР ҲАЖМИ ОШЯПТИ

Юнусжон НАСИМЖОНОВ,
Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси бошлиғи

Мамлакат тараққиётида солиқларнинг аҳамияти катта. Бюджет шаклланишидан тортиб, тақсимланишигача бўлган жараёнда, яъни иқтисодиётимиз ривожи, аҳоли турмуш даражаси яхшиланишида солиқлар муҳим роль ўйнайди. Шу маънода, Ўзбекистон бюджет-солиқ сиёсатида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли тизимда қатор янгилик ва ўзгаришлар кузатилаётгани диққатга сазовор.

Бу ҳақида Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида ҳам алоҳида қайд этилди. Давлатимиз раҳбари “... Биз чуқур таҳлил қилдик. Келгуси йилдан бошлаб туман ва шаҳарлар мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, 5 тоифага ажратилади.

... Энди тоифага қараб, туманларнинг иқтисодий ривожланишини белгилаймиз. Тадбиркорлар учун субсидия, кредит ва компенсациялар тоифалардан келиб чиқиб ажратилади. Улар учун солиқ ставкалари ҳар хил бўлади. Мисол учун, бешинчи тоифага кирувчи, шароити энг оғир бўлган 20 туман учун айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи, ижтимоий солиқ ставкаларини 1 фоиз миқдорида белгилаймиз. Мазкур туманлардаги тадбиркорлар ер ва мол-мулк солиқлари бўйича ҳисобланган сумманинг атиги 1 фоизини тўлайди. Якка тадбиркорлар қатъий ставкадаги солиқларни тўлашдан озод этилади.

... Бюджет харажатлари, аҳоли ва тадбиркорлар олдидаги мажбуриятларимизни қисқартирмаган ҳолда, бизнесга солиқ юкини камайтириш бўйича ишларни давом эттирамиз. Жумладан, 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида йилига камида 14 триллион сўм маблағ қолади”, дея таъкидлади.

Чиндан ҳам, жорий йилда солиқлар борасида ўзгаришлар талайгина. Уларнинг баъзилари йил бошидан амалга киритилган бўлса, айримлари устида иш жараёни кечмоқда. Хусусан, бу йилдан қўшилган қиймат солиғи, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи каби ҳамда бериладиган баъзи имтиёзлар борасида бир қатор ўзгаришлар бўлди. Аниқ айтадиган бўлсак, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 дан 12 фоизга камайтирилди. Айланмадан олинадиган солиқнинг ягона 4 фоизлик ставкаси жорий этилди. Қопланадиган (қайтариладиган) қўшилган қиймат солиғи суммасининг асослилиги юзасидан камерал солиқ текширувларини ўтказиш муддати эса 60 кундан 30 кунгача қисқартирилди.

Шунингдек, 2023 йил 1 апрелдан бюджет маблағлари ҳисобидан ҳар йиллик минерал хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурлари доирасида кўрсатиладиган геология хизматлари, почта маркалари, маркали открткалар, конвертларни реализация қилиш бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий тадқиқот ва инновацион ишларни реализация қилиш бўйича айланмадан олинадиган солиқ имтиёзлари бекор қилинади.

Июль ойидан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмалари хизматлари бўйича тақдим этилган имтиёзлар ўз кучини йўқотади. Бундан ташқари, эндиликда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, ҚҚС тўловчилар, деб эътироф этилиши мумкин. ҚҚС гувоҳномасининг амал қилиш муддати тўхтатилганлиги муносабати билан ҳисобга қабул қилинмаган, ҳақиқатан олинган товар (хизмат) лар бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммасига, гувоҳноманинг амал қилиш муддати тикланган тақдирда, солиқ тўловчида ва унинг харидорларида гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилган давр учун тузатишлар киритилишини назарда тутувчи тартиб жорий қилинди.

Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро инспекция ҳисобида турадиганларга товарларни импорт қилиш чоғида ҚҚС тўлови ҳисобига бюджетдан қопланиши лозим бўлган ҚҚС суммаларини ўзаро ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди. ҚҚСни ўзаро ҳисобга олиш солиқ ва божхона органлари томонидан автоматик тарзда амалга оширилади. Бунинг учун ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси божхона-юк декларациясини расмийлаштираётганда, импорт қилиш чоғида ҚҚС қопланиши лозим бўлган сумма ҳисобидан тўланганги тўғрисида белги қўйиши керак.

2022 йил 1 сентябрдан кейин биринчи марта фойда солиғини тўлашга ўтган ёки шундан кейинги битта солиқ даври давомида пасайтирилган ставка қўлланадиган даврда жами даромади 10 миллиард сўмдан ошмаган субъектлар солиқ базасини соддалаштирилган тартибда жами даромаднинг 25 фоизи миқдорида белгилашга ҳақли. Фойдали қазилмалар кавлаб олинадиган конларда тоғ жинсларини олиб ташлаш ишлари истиқболни кўзлаб амалга оширилишини инобатга олган ҳолда, улар алоҳида амортизация активлари гуруҳига ўтказилди. Ушбу харажатлар актив бўйича амортизация нормасини бир йилда жамғарилган харажатлар суммасининг 33 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда қўллаш орқали жами даромаддан ажратма кўринишида чегирилиши назарда тутилган.

2023 йил 1 январдан норезидентнинг монтаж қилиш ва ёки ишга туширишсозлаш хизматлари ҳамда бошқа шунга ўхшаш хизматларни кўрсатишини назарда тутувчи асбоб-ускуналарни сотиб олиш ёки сотиш учун ташқи савдо контракти доирасида кўрсатиладиган хизматлар қиймати алоҳида кўрсатилмаса, илгари асбоб-ускуналар қийматининг 20 фоизи миқдори белгиланган бўлса, эндиликда норезидентнинг солиқ солинадиган даромади бундай хизматларнинг бозор қийматидан келиб чиқиб аниқланади. Фойда солиғи бўйича аванс тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш муддати кейинги чоракдаги биринчи ойнинг 15-санасигача узайтирилди.

Жорий йил февраль ойидан нефть маҳсулотлари ҳамда ишлаб чиқариладиган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари бўйича акциз солиғи ставкалари 10 фоизга индексация қилина бошлайди.

Йил бошидан алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришда акциз солиғи акциз тўланадиган маҳсулот таркибидаги этил спиртининг улушидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилмоқда.

Бунда алкоголь маҳсулотининг ўлчов бирлиги “литр” деб белгиланди. 2022 йилда алкоголь маҳсулотларига акциз солиғи ставкаси 1 литр учун 13 минг 800 сўм миқдорида белгиланган эди. 2023 йилда ушбу маҳсулотларга акциз солиғи ставкаси акциз тўланадиган товар таркибидаги сув қўшилмаган этил спиртининг 1 литри учун 34 минг 500 сўм миқдорида белгиланмоқда.

Шу билан бирга, бу йилдан алкоголь ва тамаки маҳсулотларини импорт қилишда акциз солиғи ставкалари 5 фоизга пасайтирилди. 2023 йилдан айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар ихтиёрий асосда қатъий белгиланган миқдорни танлаш имконига эга бўлмоқда. Бунда жами даромади 500 миллион сўмдан ошмаганда йилига 20 миллион сўм қатъий белгиланган миқдордаги солиқни, жами даромади 500 миллион сўмдан ошганда эса йилига 30 миллион сўмни танлаш ҳуқуқи берилди. Қатъий белгиланган солиқ тенг улушларда ҳар ойда, кейинги ойнинг 15 кунидан кечиктирилмаслиги керак.

Мазкур солиқни тўлашга ўтиш учун солиқ органига кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин хабарнома юбориш зарур. Ушбу норма 1 январдан кучга кирганини инобатга олсак, унга илк бор ўтаётганлар хабарномани 25 январдан кечиктирмай тақдим этишлари керак. Янги ташкил этилган субъектлар эса давлат рўйхатидан ўтиш жараёнидаёқ буни амалга оширишлари мумкин.

Қатъий белгиланган солиқ тўловчисининг дивидендлар тарзида олинадиган даромадлари солиққа тортилмайди.

Умуман, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, Солиқ кодексининг 52 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, 2 та янги модда билан тўлдирилди. Ушбу янгиликларни солиқ тўловчиларга етказиш мақсадида доимий тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Яна бир гап. Йил бошидан маҳаллаларда ўзининг муаммосини мустақил ҳал этишлари учун “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилди. Яъни мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолади. Бу эса ҳудудларни ривожлантиришда қўшимча имкониятларни ишга солиш учун айни муддаодир.

МУНОСАБАТ

СОҒЛОМ НАФАС ОЛИШ БАХТИ

Инсониятга берилган буюк туҳфа асраб-авайланади

Наргиза ПАРПИЕВА,
Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг ўтган йили 18 мартдаги соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “Тиббиётдаги ислоҳотлар — инсон қадри учун” мавзусидаги очиқ мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда туберкулёз ва ўпка носпецифик касалликларининг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида куни кеча давлатимиз раҳбарининг “2023-2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология хизматини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Аввало, фтизиатрия ва пульмонология соҳасида эътиборга молик ишлар қилинаётганини таъкидлаш керак. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 13 февралдаги “Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳада катта ўзгаришларга замин ҳозирлади. Масалан, ҳар битта вилоятдаги вилоят силга қарши кураш диспансери фтизиатрия ҳамда пульмонология марказига айлантирилди ҳамда пульмонологик хасталикка чалинганларни қамраб олишга эришилди. Туберкулёз касаллигининг замонавий лаборатор диагностикаси туман, шаҳар, ҳудудлараро, вилоят ва марказий лабораториялардан иборат 5 даражали тизим шаклида ташкил этилиб, 2 соатда ташхис қўйиш имконини берувчи жами 136 та, шундан 40 та ПЦР (G-Xpert) диагностик жиҳозлар бирламчи даволаш муассасаларига татбиқ қилинди.

2020 йили коронавирус пандемияси бошланганидан кейин имкониятимиз бирмунча чекланди. Чунки вилоятлардаги аксарият фтизиатрия-пульмонология марказлари COVID марказларига айлантирилди. Беморлардан шикоятлар бўлса-да, карантин шароити туфайли ташхислаш имкони топилмади. Пандемия сусайгач, ЖССТ томонидан коронавирусдан кейинги сил, пульмонологик касалликларга чалиниш кўрсаткичи ошгани ва хасталикларнинг кечиши анча мураккаблашгани тасдиқланди. Бу эса соҳада янги чора-тадбирлар ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирди. Президентимизнинг “2023-2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология хизматини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан фтизиатрия ва пульмонология касалликларини профилактика қилиш, ташхислаш, даволаш борасида қатор имкониятлар яратилмоқда.

Ўпка патологиясининг клиниколди белгиларини эрта аниқлаш учун йиллик тиббий кўрик доирасида скрининг дастурлари ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш белгиланди. Жумладан, латент туберкулёз инфекциясига скрининг текширувлари сони 1 миллионтагача оширилади. 2023 йилдан бошлаб ҳар йили уч ёшдан етти ёшгача бўлган болалар скрининг текширувидан ўтказилади. Текширувлар натижасида латент туберкулёз инфекцияси аниқланса, унга чалинганларни даволаш қамрови 21 минг нафаргача оширилади. Яъни 21 минг беморга дори билан кимёвий профилактика қилиш имкони яратилади. Бу, ўз навбатида, организмда умуман туберкулёз таёқчалари қолмаслиги, фаол шаклга ўтмасдан касалликка барҳам беришга хизмат қилади.

Шунингдек, бу йил 1 мартга қадар туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари томонидан бирламчи тиббиёт муассасаларига бириктирилган аҳоли орасидан туберкулёз билан касалланишга

мойиллиги бўлган хавф гуруҳига мансуб шахслар рўйхати тузилади. Бундай гуруҳга кирувчи ўсмирлар ва катталар рентгенологик, болалар эса иммунологик текширувдан ўтказилади.

Қарорда кўрсатилган энг катта вазифаларимиздан бири ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология тизимларини илғор хорижий тажриба асосида трансформация ва модернизация қилишдир. Шу пайтгача фтизиатрия тизимида вертикал усул амал қилган. Яъни бу борадаги маълумотлар тумандан марказгача узатилади. Биз маълумотларни таҳлил этган ҳолда келгуси ишларимизни режалаштириб оламиз. Нечта дори-дармон, лаборатория ускунаси зарурлигини олдиндан прогноз қилиб сотиб олиш, штатлар меъёрини ишлаб чиқишга имконият яратилади. Аммо пульмонология бўйича бундай усул ҳали ишлаб чиқилмаган. Мана энди 163 та кўп тармоқли тиббиёт маркази негизидаги фтизиатр ва пульмонолог штатлари асосида фтизиопульмонология бўлимлари ва кундузги стационарлар очяпмиз. Пульмонологик касаллиги бор ёки коронавирус асоратидан кейинги салбий ҳолатлар кузатилса, бироқ беморнинг шифохонада ётишга имконияти бўлмаса, уйининг олдидаги кўп тармоқли кундузги стационарда муолажа олиб, даволаниши мумкин. Шунингдек, стационарга келадиган беморларни саралаб, муолажага зарурати борларнигина ётқизиш мумкин бўлади. Бу шифокорларга даволаш усулларини кенгроқ татбиқ этиш имконини ҳам беради.

Қарорда кўп тармоқли марказий поликлиникалар ҳузурида “Астма ва сурункали обструктив ўпка касалликлари мактаби”ни ташкил этиш кўзда тутилган. Хўш, бунинг аҳамияти нимада? Бу мактабларда касалликдан қандай даволаниш, касаллик зўрайишининг олдини олиш чоралари ўргатиб борилади. Аввало, пульмонологик касалликка чалинганларнинг хасталикка нисбатан шахсий муносабатини шакллантириш зарур. Беморнинг оила аъзолари ҳам бу билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим. Бу уларнинг ҳаёти сифатини яхшилашга ёрдам беради. Вилоятлардаги фтизиатрия ва пульмонология марказларида йил охиригача ҳудуддаги эпидемиологик вазият ва эҳтиёждан келиб чиқиб режа тайёрлаяпмиз.

> **МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙИЧА ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК, ИНФЕКЦИЯНИ ИККИ СОАТДА АНИҚЛАБ БЕРАДИГАН 136 ТА G-XPERT ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ АППАРАТИ ЎРНАТИЛГАН. БУ БИР ҚАТОР ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРДА КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭРТА АНИҚЛАШ, ТАШХИС ҚЎЙИШ ИМКОНИНИ БЕРМОҚДА.**

Аста-секин фтизиатрик ўринларни пульмонологик ва ташхислаш ўринларига айлантирамиз. Буларнинг барчаси “Инсон қадри учун” тамойили асосида аҳолига қулайлик яратиш, саломатлик аталмиш неъматнинг бардавомлигини таъминлаш мақсадида қилинади. Беморга туман даражасида ташхис қўйиш имкони бўлмаса, вилоят фтизиатрия-пульмонология марказига мурожаат қилиши мумкин. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказидаги бош пульмонолог штатини вилоят фтизиатрия-пульмонология марказига ўтказяпмиз. Чунки бу марказларнинг салоҳиятини янада оширишимиз керак. Беморларда туберкулёз таёқчалари топилса, фтизиатрия бўлимига, пульмонологик касалликлар аниқланса, пульмонологияга, ташхислаш қийин бўлса, ташхислаш бўлимига йўналтирилади.

Германия тараққиёт банкининг грант маблағлари ҳисобига марказ ва унинг ҳудудий марказларига жами 47 турдаги замонавий диагностик ва даволаш тиббиёт ускуналари етказиб берилиши кўзда тутилмоқда. Бундан кўзланган мақсад юртдошларимиз учун ихтисослашган малакали ёрдамни фақат Тошкентда эмас, балки ўзи яшаётган ҳудуд, шаҳар ва туманларда ҳам олиш имконини яратишдир. Аҳоли учун яна бир қулайлик шуки, юқори технологик амалиёт керак бўлса, беморлар Тошкентга келиб сарсон бўлмай, ўз ҳудудида малакали тиббий ёрдам олади.

Мамлакатимиз бўйича юқори технологик, инфекцияни икки соатда аниқлаб берадиган 136 та G-Xpert замонавий тиббий аппарати ўрнатилган. Бу бир қатор туман ва шаҳарларда касалликларни эрта аниқлаш, ташхис қўйиш имконини бермоқда. Бундан ташқари, олис ва чекка, тоғли, экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда

яшовчи аҳолига бепул тиббий кўрик доирасида скрининг тадбирлари ўтказиш кўзда тутилмоқда. “Ўпка саломатлиги” мобиль бригадаси доирасида ҳар бир вилоят ҳокимлиги билан биргаликда “Isuzu” микроавтобуси олинади. Унга тўрт турдаги тиббий ускуна ўрнатилади. Халқаро грантлар доирасида ультрапортатив рентген аппарати олганмиз. Замонавий ва салбий таъсири бўлмаган ихчам рентгент аппаратини ҳар бир хонадонга — тўшакда ётган беморнинг олдигача олиб бориш имконияти бор. “Ўпка саломатлиги” мобиль бригадасида замонавий рентген ускунасидан ташқари G-Xpert, ЭКГ аппарати ва мобиль спирометр бўлади. Бу қулайликлар олис ҳудудлардаги юртдошларимиз учун яратилмоқда. Бундан ҳар бир ватандошимиз самарали фойдаланиши мумкин.

Шу пайтгача мамлакатимизда бешта туманлараро лаборатория фаолият юритган бўлса, 2023-2024 йилларда Андижон, Жиззах, Навоий, Наманган, Сирдарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларидаги фтизиатрия ва пульмонология марказларида замонавий бактерология лабораторияси барпо этилади. Шунингдек, 8 та вилоят ва республика муассасаларида капитал таъмирлаш ёки қурилиш ишлари олиб борилади. Марказ таркибида Миллий референс лаборатория ташкил қилинади. Марказнинг ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан маҳаллий ҳамда чет эллик микробиологик лаборатория мутахассислари учун илмий-амалий тренинг маркази фаолияти йўлга қўйилади. Унда энг замонавий ускуналар ўрнатилади.

Мамлакатимизда туберкулёз касаллигини даволашга улкан ҳисса қўшган академик Шокир Алимов илмий мактаби ташкил этилмоқда. Унда соҳадаги энг долзарб муаммолар бўйича ҳам илмий изланиш, ҳам ўқитиш ва ёшларни тайёрлаш бўйича катта ишларни бажаришни мақсад қилиб қўйдик. Бир нечта ҳудудий марказимизда амалиётда ишлаётган шифокорлар ва ўрта тиббий ходимлар учун амалий мактаблар очилади.

Туберкулёз ва ўпка носпецифик касалликлари бўйича эпидемик вазиятни мунтазам таҳлил қилиш, мониторингини олиб бориш, касалликларнинг тарқалиш тенденцияларини прогнозлаш, таклифларни шакллантириш ҳамда беморларнинг миллий электрон реестрини юритиш кўзда тутилган. Биз икки йилдан бери ЖССТ билан бирга бу платформа устида ишладик. Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассислигидаги “IT-Med” масъулияти чекланган жамияти билан бирга маҳаллий шароитга мослаштирдик. Яқин кунларда туман, вилоят, республика бўйича барча беморлар тўғрисидаги маълумотлар мазкур реестрга киритилади. Айни пайтда беморлар тўғрисидаги барча маълумотлар электрон шаклда сақланмоқда. Ҳадемай бу маълумотлар битта базага яхлит жойланади. Бу ҳам илмий изланиш, ҳам стратегик томондан келгусида амалга оширишимиз зарур бўлган ишларни режалаштириш имконини беради. Кўрилаётган барча чора-тадбирлар кўплаб юртдошларимиз ҳаётини сақлаб қолиш, пульмонологик касалликлар эпидемиясини имкон қадар тезроқ бартараф қилишда катта аҳамият касб этади.

АКС САДО

Жаҳонда кўплаб инсонларнинг саломатлиги, оилалар бутунлигига рахна солаётган, шу билан бирга, дунёдаги давлатлар иқтисодиётига катта зарар етказаётган ОИВ инфекцияси билан курашиш бугуннинг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Яқинда давлатимиз раҳбарининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилингани ушбу касаллик ташхиси, профилактикаси ва даволаш самарадорлигини ошириш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиши билан аҳамиятли.

АСР ВАБОСИГА ҚАРШИ КУРАШ

“95-95-95” стратегияси асосида олиб борилади

Қаҳрамон ЙЎЛДОШЕВ,
Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори

Мамлакатимизда 2018-2022 йилларда ОИВ инфекциясига қарши курашиш дастурлари доирасида давлат бюджетидан 107 миллиард сўм ва 27,7 миллион доллар, ОИТС, безгак ва сил касаллигига қарши курашиш глобал жамғармаси томонидан эса 16 миллион доллар йўналтирилган. Бунинг натижасида 13 миллион аҳолини (2021 йилда 3,5 миллион) текширувлар билан қамраб олиш, ОИВ аниқланган шахсларни ташхис қўйилиши биланоқ тўлиқ ретровирусга қарши терапияга ўтказиш, 22 мингдан ортиқ шахсни синдромли даволаш билан қамраб олишга эришилди.

ОИВ инфекцияли оналардан туғилган 6 ойликкача бўлган болаларни (600 нафар) қуруқ сут аралашмаси билан таъминлаш, касалликнинг онадан болага юқиши ҳамда гиёҳвандлар орасида ОИВ тарқалишини камайтириш, мобиль клиника ва мобиль лаборатория фаолиятини йўлга қўйиш орқали олис ҳудудларда профилактика тадбирларини ўтказиш имконияти яратилди.

Ҳозир ОИВ инфекцияли шахсларнинг 85 фоизи ўз ҳолатини билади. Ретровирусга қарши махсус терапия билан даволаш қамрови 79 фоизни, вирус юкламасининг пасайиши 74 фоизни ташкил этади.

> **2023 ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ АНИҚЛАНГАН ҲОЛАТЛАР МОНИТОРИНГИНИ ТАЪМИНЛАШ, РЕАЛ ВАҚТ РЕЖИМИДА ДОРИ ВА ДИАГНОСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ҲАРАКАТЛАНИШИНИ КУЗАТИБ БОРИШ ИМКОНИНИ БЕРУВЧИ ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ТИЗИМИ ЯРАТИЛАДИ. БУНИНГ УЧУН БМТ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ ОРҚАЛИ 100 МИНГ ДОЛЛАР АЖРАТИЛАДИ.**

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2030 йилга бориб ОИВ эпидемиясига барҳам бериш учун “95-95-95” стратегияси илгари сурилган бўлиб, унинг доирасида ОИВ инфекцияли шахсларнинг 95 фоизи ўз мақомини билиши, 95 фоизи махсус даволаш курсларига қамраб олиниши ҳамда 95 фоизининг қонида вирус юкламаси аниқланмайдиган даражага тушишига эришиш мақсади белгиланган. Ана шу вазифаларни уддаласак, 2030 йилгача бу касаллик кескин камайиши мумкин. Айни пайтда юртимизда шу касаллик билан оғриган 45 мингдан ортиқ бемор бўлса, янги қарорга мувофиқ, уларни тўлалигича дори-дармон билан таъминлаш имкони яратилмоқда. Бунда ретровирусга қарши 22 турдаги дори-дармон харид қилиш кўзда тутилмоқда.

Қарор билан аҳоли орасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир 2023-2027 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланмоқда. Ушбу дастурни амалга ошириш учун 2023-2027 йилларда жами 120 миллиард сўм ва 54 миллион доллар йўналтирилади.

ОИВ инфекциясини эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволаш сифатини ошириш мақсадида ҳар йили камида 3 миллион аҳоли текширув билан қамраб олинади. Бунинг учун 11,4 миллион дона диагностик тест тизими (экспресс, ИФА тести)ни харид қилиш кўзда тутилмоқда. ОИТСга қарши кураш марказлари ОИВ инфекцияси диагностикаси ва даволаш самарадорлигини мониторинг қилиш учун зарур 587 мингта диагностик восита (иммуноблот, ПЦР ва CD4) билан таъминланади.

ОИВ инфекциясининг онадан болага юқишига барҳам бериш мақсадида ОИВ инфекцияли оналардан туғилган, 6 ойликкача бўлган 2 минг нафардан ортиқ бола қуруқ сут аралашмаси билан таъминланиши ҳам назарда тутилган. Шунингдек, соғлиқни сақлаш органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда ОИВ инфекцияси юқиши эҳтимоли юқори гуруҳлар орасида профилактик тадбирлар олиб бориш, аҳоли орасида кенг тарғибот-тушунтириш ишларини ташкил этиш режалаштирилган.

2023 йил 1 июнга қадар Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятида, 2023 йил якунига қадар бошқа ҳудудларда ФҲДЁ органлари ва тиббиёт муассасалари ўртасида никоҳланувчи шахсларни ОИВ инфекцияси бўйича мажбурий тиббий кўрикдан ўтказишда электрон маълумот алмашинув тизими жорий этилиши касалликнинг кенг тарқалиши, профилактикаси ва касаллик аниқланганда самарали даво чораларини қўллашга замин яратади.

2023 йил якунига қадар ОИВ инфекцияси аниқланган ҳолатлар мониторингини таъминлаш, реал вақт режимида дори ва диагностик воситаларнинг ҳаракатланишини кузатиб бориш имконини берувчи электрон ахборот тизими яратилади. Бунинг учун БМТ Тараққиёт дастури орқали 100 минг доллар ажратилади.

ОИТСга қарши кураш ҳудудий марказлари ва уларнинг туманлараро лабораториялари моддий-техник базасини ривожлантириш ҳам кўзда тутилмоқда. Жумладан, 15 та марказнинг бинолари ҳамда туманлараро 20 та лабораторияда қурилиш, капитал таъмирлаш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари бажарилади. Марказларнинг поликлиника бўлимлари 3 турдаги (ЭКГ, денситометр, УТТ), лабораториялари 21 турдаги тиббий ускуналар билан жиҳозланади. Истаган фуқаро ўзи истиқомат қилаётган ҳудуддаги поликлиника ёки ОИТС марказларига бориб, текширтириш имкониятига эга бўлади ва бу текин амалга оширилади.

Мутахассисларнинг касбий салоҳияти оширилади. Жумладан, камида 50 нафар тиббиёт ходими чет элга малака оширишга юборилади. ОИВ инфекцияси бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар амалга оширилиши самарали даво чораларини қўллаш ва касалликка барҳам беришга хизмат қилади.

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

СЎНГГИ ЖАДИД



Касби туманининг Денов қишлоғида туғилган Бегали Қосимов мактабда ҳам фаол ўқувчилар сафида бўлиб, айниқса, адабиёт фанидан доимо аъло баҳолар олишга интиларди. Бадиий китобларни излаб топиб, имкон даражасида ўқиб чиқарди. Урушдан кейинги азобли йилларнинг гувоҳи сифатида вояга етган ёш ўспиринни ўша пайтлардаёқ Ватан истиқболи ва озодлиги ҳақидаги ўйлар адабиёт сари етаклади.

Ҳозирги Миллий университетнинг филология факультетига ўқишга кириб, Ғулом Каримов, Аюб Ғуломов, Субутой Долимов, Озод Шарафиддинов каби ўз фанининг дарғалари бўлган устозлардан сабоқ олди. Талабалик даврини бекорчи вақтга сарфламасдан, илм олишга жиддий эътибор қаратди. Араб тилини пухта ўрганди.

Туркистондаги жадидчилик ҳаракати тарихи, унинг етакчи намояндалари ҳақида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб бориб, кўплаб монография, китоблар ёзди. У айнан жадидчилик ҳаракатини ўрганишга бел боғлади. 1967 йилда “Мирмуҳсин Шермуҳаммедов (Фикрий) ва унинг адабий муҳити” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлаб, филология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Натижада жадидлар билан сафдош ва ҳамфикр, уларнинг амалий фаолиятида фаол иштирок этган Мирмуҳсин Шермуҳаммедовнинг номи тикланиб, ўзбек адабиётида муносиб ўрин эгаллади.



Шундан сўнг Бегали Қосимов “Ўзбек инқилобий поэзиясининг майдонга келиши ва тараққиёти (1905-1917 йиллар)” мавзусида илмий тадқиқот ишларига қўл урди. Ана шу даврда фаолият олиб борган ижодкорлар ўзларини жадид деб атаган. Улар яратган асарлар, аслида, жадид адабиёти, жадид поэзияси эди. Шўро замони мафкурасига кўра, диссертация мавзусини бошқачароқ тарзда қўйишга мажбур қилинди. Бу пайтда “жадидлар синфий душманимиз”, дея тамға қўйилгани учун жадидлар масаласини тилга олиш ўта мушкул эди. Жадидлар илгари сурган ғоялар, шубҳасиз, инқилобий эди. Диссертация мавзуси ҳам ана шундай тарзда тасдиқланди. Докторлик диссертацияси устида ишлашда ёш олимни қатор қийинчиликлар кутиб турарди. Боиси, бу мавзудаги материаллар, манбалар жуда тарқоқ эди. Аммо интилувчан ёш тадқиқотчи асло иккиланмади, астойдил олдинга интилди. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги кутубхоналар ва архивларга қатнашдан эринмади. Керакли материалларни тўплади. Лекин бу етарли эмасди.

Бошлаган ишини охирига етказишни одат қилган олим Татаристон ва Бошқирдистондаги кутубхоналар томон йўл олди. У ерда ҳам бир муддат изланишлар олиб борди. Қозон ва Уфа шаҳарларида ХХ аср ўзбек адабиёти намуналаридан кўпгина манбалар топишга эришди. Қримга бориб, жадидлар етакчиси Исмоил Гаспирали қабрини зиёрат қилди, ўз даврида бутун турк элини уйғотган инсондан руҳий қувват олди.

“ХХ аср бошидаги жадид адабиётининг бош мавзуси миллат, унинг тарихи ва тақдири масаласидир, — деб ёзган эди Б. Қосимов. — Беҳбудийдан Фитрату Чўлпонгача, Авлонийдан Қодирийгача адабиётнинг мақсад ва мазмуни шундай талқин қилинди, шундай ёндашув собит ва устувор келди. Бу янги ўзбек адабиётини бошлаб берган жадидларимизнинг энг катта ютуқларидан эди”. Олим жадид адабиёти намояндалари ижоди ва амалий фаолиятини синчиклаб ўрганиб, илмий ишида уларни ҳар томонлама мукаммал ва ишонарли ёритишга эришди. Шунга кўра, 1984 йилда илмий кенгаш қарори билан унга филология фанлари доктори илмий даражаси берилди. Айнан жонкуярлик билан олиб борилган йирик ва салмоқли тадқиқоти натижасида адабиётшуносликда янги — “жадид адабиёти”, “миллий уйғониш даври адабиёти” деган тушунчалар пайдо бўлди.

> **Ўтган йили олим таваллудига саксон йил тўлди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан Б.Қосимовнинг уч жилдлик “Танланган асарлар”и нашр этилди. Бир қатор олийгоҳларда олимнинг хотирасига бағишлаб тадбирлар ўтказилди.**

Профессор юртимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ университетда ҳали кузатилмаган, кўпчилик соҳа олимлари учун ҳам янгилик бўлган “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” кафедрасини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Унинг таклифи кўпчиликка маъқул тушгач, олийгоҳ маъмурияти олимни шу кафедра мудирлигига тайинлади. Бу давр адабиётини ўрганишга қизиқувчи ёшлар кўп эди. Улар орасидан энг иқтидорлилари кафедра атрофида жамулжам бўлди. Натижада жадидларга бағишланган монография, рисола, мақолалар чоп этила бошланди. Жумладан, беш-олти йил ичида Беҳбудийнинг танланган асарлари нашрдан чиқарилди. Абдулла Авлоний асарларининг 2 жилдлиги, Абдурауф Фитрат, Сидқий-Хондайлиқий, Чўлпон, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Саид Аҳрорий, Сиддиқий-Ажзий, Мунавварқори, Абдулҳамид Мажидий, Юсуф Сарёмий, Каримбек Камий, Тавалло каби ижодкорларнинг ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган асарлари босилиб чиқди. Чет давлатларда ҳам жадид сиймоларига қизиқиш пайдо бўлди. Хусусан, Японияда Фитрат, Германияда ХХ аср ўзбек адабиёти вакиллари ҳақида китоблар чоп этилди. Шунингдек, Туркияда Чўлпон, Фитрат ҳақида докторлик диссертациялари ёқланди.

Тарихдан маълумки, ўтган асрнинг 20-йилларида Фитрат, Чўлпон ва бошқа шоир-ёзувчилар ўз асарлари воқеаларини аллақайси хорижий мамлакатда бўлган деб кўрсатиб, ишорага, рамзга зўр беришга мажбур бўлган, шу орқали шўро тузумини рад этиб келган. Аммо шу давр адабиётшунослигида, илмда бу нарса анча қийин эди. Шу боис, Бегали Қосимовнинг ўзи таъкидлаганидек, 60-70-йилларда жадидчиликни ўрганишда осон ва қулай йўлдан фойдаланилди. Яъни ҳодисанинг сифатлари айтилди-ю, номи айтилмади.

У жадидчилик ва жадид адабиёти бўйича етук мутахассис сифатида илмий алоқалар доирасида хорижий мамлакатларда ҳам бўлди. 1997 йилда германиялик жадидшунос олима И.Балдауф таклифи билан Германия академик танловида қатнашди. Икки ой Берлиндаги архивда иш олиб борди. Шу жараёнда немис шарқшунослари билан қизиқарли суҳбатлар қилди. Ўша ердаги туркологлар ўртасида Ўзбекистонда жадидчиликнинг ўрганилиши ҳақида маъруза ўқиди. Икки бор Туркияда бўлиб қайтди. Бу диёрда туркий халқлар адабиёти бўйича кўп жилдлик асарлар тайёрлаш муносабати билан ўзбек адабиётига бағишланган жилд юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, муносабатини билдирди. Шу сабабли бу жилд анча тўла, илмий қиймати баланд ҳолда нашр этилди. 1995 йилда Туркияда “Турк дунёси адабиёти” номли минг саҳифадан иборат дарслик 6 тилда чоп қилинди.

Бегали Қосимовнинг саъй-ҳаракати билан дарсликдан 28 нафар ўзбек адабиёти вакиллари ҳақидаги маълумотлар жой олди. Ушбу дарсликнинг ўзбекча вариантини олимнинг ўзи таржима қилди. Ўзбек адабиёти намояндалари, уларнинг асарларидан намуналар Туркиядаги “Отатурк” нашриётида босилган 30 жилдлик “Турк дунёси адабиёти тарихи”га ҳам киритилди.

Олим миллий уйғониш даври адабиёти ҳақида илмий тадқиқотлар олиб бориш билан бирга, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур ижодига ҳам мурожаат қилди. Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси устида илмий иш олиб борди. Бу борада бир неча дарсликлар яратди. Илмий ишлар билан шуғулланишга иштиёқи баланд ёшларга устозлик қилди. Номзодлик ва докторлик диссертацияларига илмий раҳбар бўлди.

Профессор Бегали Қосимовнинг ўзбек адабиётшунослигига қўшган ҳиссаси ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. 1999 йилда профессорга соҳадаги хизматлари учун “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” унвони берилди. Шунингдек, “Аҳмад Яссавий” мукофоти билан тақдирланди.

Олим 2004 йил 62 ёшида вафот этди. Уни ҳамкасблари, шогирдлари доимо ҳурмат билан хотирлаб, айнан адабиётимизга қўшган юксак хизматларини эътироф этиб келади. Яхши хотиралар билан ёдга олади.

— Устоз Бегали Қосимов ўзбек жадид адабиётини ўрганиш бўйича ўз анъаналари ва тадқиқ усулларига эга бўлган, халқаро миқёсда тан олинган мактаб яратди, — дейди филология фанлари доктори, профессор Нафас Шодмонов. — Олимнинг жадидчилик борасидаги кўплаб тадқиқотлари хорижий давлатларда ҳам эътироф этилган. Хусусан, Германия, Франция, АҚШ, Туркия, Япония, Россия, Жанубий Корея, Украина, Афғонистон, Эрон, Қозоғистон ва Қирғизистон каби юртларда асарлари чоп этилди, китобларига тақризлар ёзилди.

Олимнинг адабиётимиз ривожига қўшган юксак ишларидан бири — у кишининг дарсликлар яратиш йўлидаги самарали меҳнатидир. Зеро, олим “Миллатнинг қайта ўзини кашф қилиши мактабдан бошланади”, деб кўп такрорларди. Шу ҳаракат йўлида устоз бир қанча мактаб ва олий таълим учун дарсликлар яратишда фаол иштирок этди.

Ўтган йили олим таваллудига саксон йил тўлди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан Б.Қосимовнинг уч жилдлик “Танланган асарлар”и нашр этилди. Бир қатор олийгоҳларда олимнинг хотирасига бағишлаб тадбирлар ўтказилди.

2022 йилнинг декабрь ойида Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан олим таваллуд топган Касби тумани Денов қишлоғида Бегали Қосимов уй-музейи очилди. Ушбу уй-музейда олимнинг шахсий буюмлари ва ҳужжатлари, унинг ҳаёти ва илмий фаолиятидан ҳикоя қилувчи нодир экспонатлар жой олган.

Уй-музей очилишида бир қатор адабиётшунос олимлар, пойтахтдан келган адиблар, олим ва зиёлилар ҳамда олимнинг фарзандлари иштирок этиб, Бегали Қосимовнинг хотирасини абадийлаштириш борасида қилинган ишлар таҳсинга сазоворлигини, бу ҳаракатлар ёш авлод маърифатининг юксалишида муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Президентимиз ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда таълим сифатини юксалтириш борасида фикр юритар экан, доимо жадид боболаримиз фаолиятига, улар қолдирган маърифий-илмий меросни чуқур тадқиқ этиш, ўрганиш ва тарғиб қилишга алоҳида урғу бериб келади. Шундай одилона сиёсат туфайли кейинги йилларда ХХ аср бошларида яшаб ижод этган, фаолият юритган кўп юртдошларимиз номи оқланиб, тарихимиз саҳифаларидан муносиб ўрин олмоқда. Миллат манфаатларини ўз ҳаёти ва фаолиятининг асоси деб билган Бегали Қосимов каби устозлар бу хайрли ишларни мустақилликдан олдин бошлаб юборган эди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Бегали Қосимов умрининг салкам қирқ йилини айнан жадидчилик ҳаракатини ўрганишга бағишлади. Адабиётшунос асарларида доимо миллат деган сўз, унинг мазмун-моҳияти улуғланади. Қайси мақоласи ёки илмий рисоласини варақламанг, албатта, миллат бирлиги ва келажагига масъулиятни ҳис қиласиз. Адабиётшунос олимлар орасида “Сўнгги жадид” деб ном олган олим қолдирган адабий мероси нафақат ёшларнинг маънавиятини юксалтиришга, шунингдек, ҳали кўп-кўп авлодларни миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик сари ундаб, қалбида юртга бўлган иштиёқни оширишга чорлаши шубҳасиз.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ФАХР

ОНАМНИНГ ОРЗУЛАРИ УШАЛДИ

Синдор САФАРОВ,
Президент стипендияси соҳиби

2022 йил мен учун изланиш, янада кўпроқ билим эгаллаш, олдимга қўйган мақсадларим томон интилиш даври бўлди. Ва бу ҳаракатларим мени қувонтирган ва ғурурлантираётган мақсадга етказди — Президент стипендияси ғолиби бўлдим.

Илм йўли доим машаққатли бўлган. Айниқса, Президент стипендияси соҳиби бўлиш катта меҳнат ва билим талаб қилади. Бу юксак стипендияни қўлга киритиш эса чексиз фахр туйғуларини уйғотаркан. 21 ёшимда ушбу стипендияни қўлга киритганим мен учун катта воқелик бўлди. Бу биз, ёшларга билдирилган ишонч, катта рағбат белгисидир.

Қашқадарёда туғилиб ўсганман. Мактаб давридаёқ барча фанларни бирдек ўзлаштириш, яхши баҳоларга ўқишга ҳаракат қилдим. Аммо келгусида қайси таълим йўналишини танлашда анча иккиланганман. Ва ниҳоят, иқтисодиёт йўналишини танлаб, ҳозирда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 4-босқичида таҳсил оляпман.

Аслида, Президент стипендиясини қўлга киритишимда онамнинг йўл кўрсатишлари, ўгитлари катта ёрдам берди. Касби ўқитувчи, олий ўқув юртида дарс берганлари учун Президент стипендиясини олиш осон эмаслиги, талабадан доимий ўқиб-ўрганиш ва фаоллик талаб этилишини яхши биладиган. Шунинг учун университетга кирган кунимдан бошлаб “Аъло баҳоларга ўқи, сен Президент стипендияси соҳиби бўлишинг керак”, деб рағбатлантирарди. Шу зайлда энг кучли мотивацияни онамдан олдим.

Ҳаракатларим эса 2-босқичда ўқиб юрганимда бошланган. Аммо ўшанда ҳужжатларни топширишга кеч қолгандим. Шундан кейин келаси йил топшириш учун дадил ҳаракат қила бошладим. Университетнинг ёшлар билан ишлаш бўлимидан йўл-йўриқ сўрадим. Устозларим ёрдамида тайёргарлик кўрдим. Мени ҳамиша қўллаб-қувватлагани, маслаҳатини аямагани учун барча устозларим, илмий раҳбарим Лочин Амировга миннатдорлик билдираман. Хато қилганимда қойиб берган вақтлари ҳам бўлди. Президент стипендиясига эга бўлиш бу жуда катта меҳнат, масъулият эканини таъкидлашарди. Мен ҳам интилишдан, билимимни бойитишдан тўхтамадим ва кўзлаган мақсадимга эришдим. Бунинг учун ҳеч қандай тўсиқлар бўлмади, фақат бор билимимни кўрсатиб бериш талаб этилди.

> **Президент стипендияси ғолиби бўлганимни биринчи бўлиб онажонимга айтдим. Хушхабарни эшитиб, ўзларига сиғмас даражада хурсанд бўлди. Ёнларида турган одамлар, барча ҳамкасбларию бутун қишлоққа дарҳол янгиликни етказибди. Ўзимга эса “Ўғлим, сен билан фахрланаман, ниҳоят олдингга қўйган юксак натижага эришдинг”, деганлари мен учун катта мукофот бўлди.**

Шу кунга қадар АҚШ, Бельгия, Канада, Германия, Туркия каби бир қанча давлатларда илмий мақолаларим чоп этилди. Очиғи, менда моддий жиҳатдан катта имкониятлар йўқ эди. Ҳозир пойтахтда ижара уйда онам ва укам билан яшаймиз. Асосий даромадимиз онамнинг маоши ва менинг стипендиямдан. Лекин бу ҳолатлар мақсадларим сари интилишимга тўсиқ бўлолмайди. Тенгдошларимга ҳам айтардимки, эзгу мақсадлар учун асло ҳаракатдан, курашдан тўхтамаслик керак. Ҳаётда турли кўнгилсизликлар, кутилмаган ҳолатлар, муаммолар бўлади, аммо уларга қарамасдан, фақат олға юриш керак. Тинимсиз ўқиш, билим эгаллаш, бошқаларга ҳавас қилиб яшаш ва ота-онанинг дуосини олиш лозим.

Таълимга инвестиция — энг яхши инвестициядир. Ота-оналар имкон қадар фарзандларини ўқитишини истардим. Натижа эса, албатта, кутилгандан зиёд бўлади.

Президент стипендияси ғолиби бўлганимни биринчи бўлиб онажонимга айтдим. Хушхабарни эшитиб, ўзларига сиғмас даражада хурсанд бўлди. Ёнларида турган одамлар, барча ҳамкасбларию бутун қишлоққа дарҳол янгиликни етказибди. Ўзимга эса “Ўғлим, сен билан фахрланаман, ниҳоят олдингга қўйган юксак натижага эришдинг”, деганлари мен учун катта мукофот бўлди.

Келажакда ҳам ўқиб-изланишдан, меҳнат қилишдан тўхтамайман. Ота-онам истаганидек, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган инсон бўлишга доим интилиб яшайман.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-146.
14144 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎзА якуни — 21:51 Топширилди — 23:35